*Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!*

O'ZBEKISTON BUNYODKORI

№22-23 (371-372)
2020 йил 20 март, жума
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Строитель Узбекистана

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

# АҲОЛИ ВА ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 19 март куни коронавирус пандемиясининг аҳоли турмуш даражаси ва иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

– Бугунги шароитда саноат корхоналари, тадбиркорлар ва экспортёрлар биздан аниқ ва самарали чоралар кутмоқда. Шу боис иқтисодиётда ҳисоб-китоб қилинаётган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун захира яратиш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ҳукуматнинг асосий вазифаси бўлиши зарур, – деди Шавкат Мирзиёев.

Бу борадаги ишларни самарали ташкил этиш мақсадида Президентимиз коронавирус пандемияси ва глобал инқирозли ҳодисаларнинг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида фармон қабул қилди. Ҳужжатга асосан, Инқирозга қарши жамғарма тузилиб, унда 10 триллион сўм шакллантирилади.

Йиғилишда фармонда белгиланган долзарб вазифаларни амалга ошириш, пандемиянинг иқтисодиётга салбий таъсирини юмшатиш масалалари муҳокама қилинди.

Коронавирус тарқалашининг олдини олиш, шифохоналарни дори, ҳимоя ва диагностика воситалари билан таъминлаш, карантин харажатларини ўз вақтида молиялаштириш зарурлиги таъкидланди.

Юртимизда коронавирусга қарши курашиш ишларига қарийб 5,5 минг нафар тиббиёт ходими жалб этилган. Уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаб, ойлик маошига қўшимча 120 фоиз устама тўлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Касалланганларни ўз вақтида аниқлаш ва профилактикага эътиборни кучайтириш, бунинг учун барча ҳудудий юқумли касалликлар шифохоналарини экспресс-тестлар билан таъминлаш муҳимлиги қайд этилди.

Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардияга карантинга олинган фуқаролар назоратини таъминлаш юклатилди.

Коронавирус таъсири энг юқори бўлган иқтисодиёт тармоқларига солиқ таътиллари ва кредит қарзлари бўйича имтиёзлар бериш, бюджет ссудалари ажратиш юзасидан вазифалар белгиланди.

Масалан, меҳмонхона бизнесида 90 миллиард сўмлик, транспорт-логистика соҳасида 650 миллиард сўмлик, умумий овқатланиш муассасаларида 180 миллиард сўмлик, ташқи савдо корхоналарида 3,6 триллион сўмлик кредитларни қайтариш имконияти пасаймоқда. Туристик фирма ва меҳмонхоналар ҳар бир сайёҳ учун кунига 2-3 доллардан туризм йиғими тўлаб келмоқда.

Шу боис ушбу корхоналарнинг кредит муддатларини узайтириш, туристик йиғимлар ундиришни вақтинча тўхтатиш бўйича кўрсатма берилди. Ҳокимларга иқтисодий қийинчиликка дуч келган корхоналардан маҳаллий солиқларни ундиришни 6 ойгача кечиктириш ваколати берилади.

Шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорларнинг даромад солиғи, фермерларнинг сув солиғи 50 фоизга камайтирилади. Бунда маҳаллий бюджетдаги йўқотишлар республика бюджетидан қоплаб берилади.

Йил якунига қадар солиқ текширувларига мораторий эълон қилинади ва қийналган корхоналарга солиқ қарзлари учун пеня ҳисоблаш тўхтатилади. Бундай қийин шароитда тадбиркорни бирорта текширувчи безовта қилмайди.

Халқаро савдодаги вазиятни инобатга олиб, экспорт-импорт бўйича кечиктирилган қарздорликка жарима қўлламаслик, «яшил йўлак»лардан маҳсулот ўтказишни кўпайтириш, юк ташишда юзага келаётган масалаларни оператив ҳал этиб бориш бўйича топшириқлар берилди.

– Ҳозирги ҳолатда баъзи корхоналарнинг солиқ тушадиган базаси камайиши табиий. Лекин бу камомад нима ҳисобидан қопланиши бўйича мутасаддиларда кундалик таҳлил ва сўров бўлиши шарт, – деди Президент.

Йиғилишда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Карантинга ёпилган муассасалар ходимлари, карантиндаги фуқаролар ва уларга қаровчиларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, ижтимоий нафақа олувчилар сонини камида 10 фоизга ёки 60 мингтага ошириш бўйича вазифалар қўйилди.

Карантиндаги фарзандларига қараётган ота-оналарни ишдан бўшатишга мутлақо йўл қўйилмайди. Уларга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси юз фоиз тўлаб берилади.

Мактабгача таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари фаолияти тўхтаб турган даврда тарбияланувчилар ва бошланғич синф ўқувчиларининг ота-оналарига ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга йиллик меҳнат таътилидан фойдаланишнинг йиллик режасидан қатъи назар йиллик меҳнат таътили тақдим этилади.

Иқтисодий фаоллик пасайган пайтда аҳоли бандлиги масаласи алоҳида эътибор талаб этади. Шу боис Инқирозга қарши жамғармадан Жамоат ишлари жамғармасига қўшимча 200 миллиард сўм ажратилади. Ушбу маблағлар одамларни иш билан таъминлаш, бунинг учун маҳаллаларда қўшимча инфратузилма объектлари қуришга йўналтирилади. Шунингдек, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасига 500 миллиард сўм қўшимча маблағ берилиб, иш ўринлари яратадиган бизнес субъектларга кўмаклашилади.

Ушбу чора-тадбирларни сифатли бажариш мақсадида Бош вазир раҳбарлигида Инқирозга қарши республика комиссияси тузилиши белгиланди. Ушбу комиссия 22 мартдан бошлаб икки ой давомида ҳар бир туман ва шаҳарда коронавирусга қарши курашиш, саноат, хизмат кўрсатиш, савдо, транспорт, логистика ва бошқа корхоналарни барқарор ишлатиш масалаларини ҳал қилиб боради.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат захираларини бошқариш қўмитасига бозорлардаги нарх-навонинг ўзгаришини кузатиб бориб, мавжуд захирадан қўшимча маҳсулотларини савдога чиқариш бўйича топшириқ берилди.

Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

**ЎзА.**

## *Наврўз муборак, гўзал Ватаним!*




***Қорли-қировли кунлар ортда қолди. Кўнгиллар кўклам сururидан яйрамоқда. Она замин узра баҳорий насим эса бошлади. Табиатда мўъжизавий уйғунлик кузатилмоқда: кечагина оппоқ қордан қадди-басти эгилган, қаҳратон совуқда дийдираган дов-дарахтлар бугун куртак ёзди. Нозик новдаларга гул битди, қийғос гуллаган боғлар капалак ва болариларга ошён бўлди.***

Баҳор табиатнинг уйғониш фасли. Бу фаслда, шоирлар таъбири билан айтганда, ҳатто туйғусиз чирик хазон ҳам яшил пўпанакдан қанот боғлайди. Юртимиз тенгсиз чиройга бурканиб, ранго-ранг гуллар кўклам жилваси янглиғ қалбларга севинч бағишлайди.

Коинот бағрида, ўз меҳварида бетиним айланаётган она Ер беминнат қуёшимиз – офтоб нури тик тушадиган кенгликлар томон оға бошлаши билан бутун борлиқда юз берадиган буюк ўзгариш инсон руҳиятига ҳам таъсир ўтказмасдан қолмайди. Шу боис кўклам келганда нафақат бутун табиат, инсоннинг ўзи ҳам қайта туғилгандек қалбида эзгу туйғулар, пок ҳиссиётлар жўша бошлаганини ҳис этади.

Негаки, табиатнинг яшнаб-яшариши инсон руҳида ҳам улуғ аждодлардан мерос гўзал туйғуларни қайтадан уйғотади.

*(Давоми 5-бетда)*

## Қурилиш тизимидаги ислоҳотларнинг ЯНГИ БОСҚИЧИ

### хуфиёна иқтисодиётга барҳам беради, коррупциянинг олдини олади

**Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳозирги пайтда қурилиш соҳаси иқтисодиётимизнинг муҳим «драйвер»ларидан бирига айлангани, соҳанинг ялпи ички махсулот бозоридаги улуши 6 % дан ошгани буни исботи эканини эътироф этди ва тармоқни ислоҳ қилиш вазифалари белгилаб берилди. Давлатимиз раҳбари орадан кўп ўтмай, яъни 5 февраль куни имзолаган «Қурилиш-монтаж ишлари сифатини тубдан яхшилаш ва қурилишни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги қарори назорат соҳасида туб бурилишларга йўл очган бўлса, 14 март куни матбуотда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони тизимда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб, бу борадаги ишларни янада жадаллаштиришга қаратилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.**

**Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирининг биринчи ўринбосари Шерзод ҲИДОЯТОВ билан суҳбатимиз мазкур Фармоннинг мақсад-моҳияти ва белгилаб берилган чора-тадбирларнинг асосий жиҳатлари ҳақида бўлди.**

*Батафсил 3-саҳифада.*

## Энергетикларнинг янги биноси



*Батафсил 8-саҳифада.*

O'ZBEKISTON BUNYODKORI СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№22-23 (371-372) 2020 йил 20 март



# Қурилиш тизимидаги ислоҳотларнинг ЯНГИ БОСҚИЧИ

## хуфиёна иқтисодиётга барҳам беради, коррупциянинг олдини олади



(Давоми. Боши 1-бетда)

**– Мурожаатномада тармоқни янада ривожлантириш учун қурилишга оид нормаларни халқаро стандартлар билан уйғунлаштириш, замонавий технологияларни татбиқ этиш вазифалари ҳам ўз ифодасини топган. Президентимизнинг фармони бу борада тизимда қандай ўзгаришлар ясайди ва уларнинг самаралари амалда қандай натижалар бериши назарда тутилган?**

– «Ўзбекистон Республикасининг қурилиш соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги фармони, энг аввало, мамлакатимизнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш ҳамда кўплаб хорижий инвестиция ташкилотлари ва фирмалари учун муносиб қулайликлар, мақбул шарт-шароитларни яратишга эътибор қаратилган. Республикамизда илк бора 2028 йил 31 декабрга қадар маълум бир шартлар асосида хорижий шаҳарсозлик норма ва қоидаларини қўллашга рухсат этилмоқда. Бу борада маҳаллий лойиҳа қидирув ташкилотлари томонидан хорижий нормаларни ўзимизнинг иқлим ва шу каби бошқа географик жиҳатларни инобатга олган ҳолда маҳаллийлаштириш ишлари бақамти равишда олиб борилади. Мазкур жараёнда номутаносиб бўлган жиҳатлар учун махсус техник меъёрларни ҳам ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланган.

Шу билан бирга ушбу фармон билан лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш жараёнида хорижий эксперт ва консултантларни жалб қилиш имконияти ҳам яратиб берилмоқда. Аҳамиятлиси, ўзимизнинг лойиҳа қидирув ташкилотлари хорижий нормаларни маҳаллийлаштириш жараёнида бир пайтнинг ўзида илғор хорижий тажриба билан танишган ҳолда уларнинг ўз фаолиятида кенг қўллаш борасида ҳам кўникмага эга бўлиб боришади.

**– Эндиликда Қурилиш вазирлиги қошида Қурилишда техник меъёрлаш маркази фаолият кўрсатади. Бу марказ тизимдаги муаммоларни ҳал қилишга ва инновацион технологияларни татбиқ этишга қандай ёрдам бериши мумкин?**

– Қурилишда техник меъёрлаш маркази тармоқ фаолиятига оид миллий норма ва қоидаларни жаҳон стандартлари билан мувофиқлаштириш, уйғунлаштириш мақсадида ташкил этиляпти. Унинг зиммасига меъёрлаш тизимидаги ва инновацион технологияларни жорий қилишдаги муаммоли масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, пудрат ташкилотлари, лойиҳа ташкилотлари, умуман амалиётда ишлаётган мутахассисларни фикрларини жамлаган ҳолда ўз ишини юритиш вазифаси юклатилмоқда.

Бу – катта янгилик. Чунки, авваллари вазирлик тизимида мазкур йўналишда фаолият олиб борадиган алоҳида ташкилотнинг ўзи бўлмаган. Илғор хорижий тажрибани ўрганадиган бўлсак, масалан Германияда Давлат стандартлаштириш институти, Корея Республикасида эса ўзининг махсус синов-лабораторияларига эга бўлган Қурилиш технологиялари институти мавжуд. Худди шу сингари Туркияда ҳам махсус ваколатли ташкилот бўлиб, у Шаҳарсозлик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузурида иш олиб боради. Мана эндиликда бизда ҳам ана шундай андозадаги янги марказ фаолият бошлайди. У бугунги кундаги эхтиёжни ўрганган ҳолда, масалаларнинг долзарблик даражасига кўра, шаҳарсозлик меъёрий ҳужжатларини мунтазам янгилаб, уларни замон талабларига мос равишда ислоҳ қилиб боради. Янги нормаларни киритиб, зарур ҳолларда маънан эскирганларини бекор қилиш хусусидаги ишларни ҳам амалга оширади.

Бундан ташқари марказнинг вазифаларидан яна бири – бу бинолар, иншоотлар ва уларнинг алоҳида элементларига бўлган хавфсизлик талаблари, хоҳ у сейсмик жиҳатдан ёки ёнғин хавфсизлиги ва конструктив томонлама бўлсин, уларнинг талабларини ишлаб чиқади. Биринчи навбатда, хорижий нормативларни миллийлаштириб, соҳага оид бўлган илмий ишларнинг ечимларини қўллаган ҳолда уларни ҳам мукаммаллаштириб боради.

**– Яна бир муҳим жиҳати, норматив ҳужжатларни техник электрон кутубхонаси ташкил этилмоқда. У қандай асосда иш юритади?**

– Мазкур электрон база нафақат миллий Шаҳарсозлик нормаларини,балки хорижий илғор тажрибани ҳам ўзида жамлайди. Бу вазифани амалга оширишга, албатта, кўплаб халқаро ташкилотлар ва хорижий консультантлар жалб этилади. Чунки, мазкур йўналишдаги мавжуд нормаларнинг 100 дан ортиғига ўтган асрнинг 90-йилларидан буён ҳеч қандай жиддий ўзгартириш киритилмаган. Яъни, амалиётдаги нормативларимиз қарийб 20-30 йилга эскирган. Шаҳарсозлик нормаларини янгиланиши бу биринчи галда замонавий қурилиш материаллари, илғор қурилиш технологиялари ва техникаларидан унумли фойдалана олиш учун муносиб ҳуқуқий асосдир.

Яна бир томони, бино ва иншоотларнинг энергия самарадорлиги билан боғлиқ. Бугунги кунда базальт, сунъий толали иситиш қурилмалари, иссиқлик етказиб берувчи тизимлар каби кўплаб энергия тежамкор қурилиш материаллари бор. Уларнинг энергия самарадорлик даражаси ёки иссиқлик ўтказувчанлик хусусияти ва бошқа техник параметрларига қараб, амалга ошириш зарур бўлган чора-тадбирларни ҳам нормативлар орқали белгилаб берилади.

**– Фармонда белгиланган бу каби долзарб чоралар уй-жой эгаларининг ҳаётига қандай таъсири бор? Оддийроқ айтганда, улар жорий этилаётган янги нормативлардан қандай манфаат кўради?**

– Масалан, энергия самарадор қурилиш материаллари ва технологияларини оладиган бўлсак, улардан фойдаланиш орқали бинонинг энергия сарфини 40 фоизгача тежашга эришилади. Бунда аввало, қурилиш объектининг нисбатан тезроқ муддатда ва арзонроқ нархда битказилиши таъминланса, кейинчалик истеъмолчиларнинг, яъни аҳолимизнинг электр ва газ таъминотига бўлган харажати сезиларли даражада қисқаради.

Афсуски, илгари бино-иншоотларнинг қурилишида энергия самарадор қурилиш материаллари бино-иншоотларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилиши мажбурий бўлмаган. Мазкур фармонга асосан, 2020 йил 1 январдан бошлаб давлат буюртмачилари ва давлат харид субъектлари томонидан молиялаштириладиган қурилиш ва реконструкция объектларнинг лойиҳа ҳужжатлари энергия самарадорлиги талабларига мувофиқ бўлиши шарт.

Бугунги кунда лойиҳа-қидирув ҳамда қурилиш пудрат ташкилотларининг баҳолаш учун аниқ мезонларнинг ўзи мавжуд эмас эди. Ушбу ҳужжат билан лойиҳа-қидирув ҳамда қурилиш пудрат ташкилотларининг электрон рейтингини жорий этиш ва уни «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими билан интеграциялаш белгилаб берилди.

**– Мазкур электрон рейтингда нималар акс этади ва уларнинг натижалари асосида қандай чоралар кўриш мумкин бўлади?**

– Эндиликда ташкилотларнинг иш тажрибаси, ходимлари, хусусан малакали мутахассислар сони, асосий воситалар ҳажми, олинган даромадлар ва ҳаттоки, тўланган солиқларгача бўлган кўрсаткичлар ушбу электрон рейтингда жамланади. Бунда, аввало, хуфиёна иқтисодиётга барҳам берилса, инсон омилини чеклаган ҳолда соҳада коррупциянинг олди олинади.

Шунингдек, бугунги кунда қурилишлардаги сифатга бўлган кўплаб эътирозлар мавжудлигини инобатга олган ҳолда, ушбу рейтингда пудрат ташкилотларига тегишли бўлган қурилиши тугалланган объектлар ҳажми, шаҳарсозлик қонунчилигини бузиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисидаги бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмаларнинг мавжудлиги ва уларнинг ижроси ҳам ўз ифодасини топиб боради.

Аслини олганда, лойиҳа-қидирув ҳамда қурилиш пудрат ташкилотларининг электрон рейтинги юритилиши бу бутун жаҳон миқёсида синовдан ўтган ва ҳозирда кенг қўлланиладиган амалиётдир. Буюртмачи ким бўлишидан қатъий назар, хоҳ у давлат корхонаси ва ёки юридик шахс бўлсин, унда қурувчи ёки лойиҳачиларнинг энг муносибини танлаб олиш имкониятини яратади. Буюртмачи энг яхши ижрочини танлаб олганидан кейин, табиийки, заифроқ ташкилотлар ҳам ўз фаолиятини юқорироқ даражада ривожлантиришга ҳаракат қила бошлайди. Ўз устида ишлайди, моддий-техник базасини яхшилайди, кадрлар салоҳиятини ошириб боради. Мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор қаратади. Ўзидаги малакали кадрларни талаб даражасидаги иш шароити ва муносиб маош билан таъминлаб, рейтингдаги поғонасини юқорилашга ҳаракат қилади. Натижада эса соғлом рақобат шаклланиб, сифат яхшиланишига эришилади.

Шунингдек, жорий этилаётган рейтинг тендер тизимининг щаффофлигини таъминланишга ўз ҳиссасини қўшади. Жорий йилнинг 1 январидан бошлаб, давлат харидларида иштирок этишда рейтингга киритилган ва тегишли мезонлар бўйича ижобий кўрсаткичларга эга бўлган лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларнинг дастлабки малакавий баҳолашдан ўтишлари, шунингдек, танлов (тендер) ҳужжатларининг умумий ва техник қисмларини тақдим этишлари талаб этилмайди.

Фармонда жорий йилнинг биринчи майига қадар касбга мувофиқлик сертификатларини берилишини таъминлаган ҳолда қурилиш соҳаси ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш ҳам белгиланган. Бунда ҳозирги кунда қурилиш объектларида меҳнат қилаётган кўп сонли ёлланма ишчиларни касбга оид билим ва кўникмага эга бўлган малакали кадрларга айлантирган ҳолда, уларнинг иш шароитларини яхшилаш, муносиб ойлик маош билан таъминлаш масалаларига алоҳида урғу берилган.

**– Фармонда шерикчилик асосида кўп қаватли уй-жойларни қуриш жараёнларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича топшириқ берилган. Лойиҳадаги шартлар қандай мақсадларга хизмат қилади?**

– Лойиҳада шерикчилик асосида уй-жойларни қуриш учун маблағларни жалб этишдан аввал келишилган лойиҳа-смета ҳужжатлари мавжуд бўлиши, қурувчи ташкилот томонидан банк ҳисоб рақамларида шерикларнинг жамланган маблағларидан мақсадсиз фойдаланишни чеклаб қўйиш, қурилишда шерикчилик асосида иштирок этиш бўйича шартномаларни мажбурий тартибда давлат рўйхатидан ўтказиш ва маблағларни жалб этувчи қурилиш ташкилотлари ягона реестрини юритиш белгиланган.

Президентимизнинг мазкур топшириқлари билан янги қурилаётган кўп қаватли уй-жойлардан хонадон сотиб олаётган юртдошларимизни қурувчилар орасида учраётган айрим фирибгарлардан ҳимоя қилишнинг муносиб механизми яратилади.

Бугун Ўзбекистонда бўлаётган ўзгаришлар, ислоҳотлар замирида одамларнинг турмуш шароитларини ва фаровонлигини янада яхшилаш масаласи ётибди. Албатта, сўнгги йилларда бу борадаги ўзгаришлар яққол кўзга ташланмоқда. Кўзланган мақсадларга эришишда қурилиш соҳаси олд ўринларни эгаллаб турибди. Алоҳида эътироф этиш жоиз, ўтган қисқа даврда Ўзбекистонда қурилиш индустрияси шаклланди, десак муболаға бўлмайди. Қабул қилинаётган бу каби фармон ва қарорлар эса соҳада амалга оширилаётган туб ислоҳотларни мутлақо янги бир босқичга олиб чиқиши билан муҳим аҳамият касб этади.

**Суҳбатдош Абдурауф ҚОРЖОВОВ,**
**иқтисодий шарҳловчи.**
*(«Янги Ўзбекистон» газетасининг 2020 йил 17 мартдаги 38-сонидан).*

# Йўл қурган – элда азиз

***Бугун юртимизнинг барча ҳудудларида улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Айниқса, йўллар ва халқимизнинг узоғини яқин қилишга хизмат қилувчи кўприкларнинг жаҳон талаблари асосида ҳамда бетакрор меъморчилик анъаналарига уйғун ҳолда қурилаётгани эътиборга молик. Табиийки, буларнинг барчаси ўзида аҳолимиз фаровонлигини янада яхшилашдек эзгу мақсадларни мужассам этади.***

Тошкент шаҳрида Яшнобод ва Мирзо Улуғбек туманлари туташган ҳудудда Ўзбекистон тарихида илк марта 3 қаватли кўприк қурилиши ишлари ўз якунига етмоқда. Айтиш мумкинки, ушбу уч поғонали транспорт тизими фойдаланишга топширилгач, пойтахтимизнинг «ташриф қоғози»га айланади.

Тошкент шаҳрининг Маҳтумқули, Темур Малик, Паркент кўчалари ва Оҳангарон шоссеси кесишган нуқтада 3 поғонали кўприк қурилиб, бугунги кунда унинг ҳудудида чим ётқизиш, манзарали дарахтлар ва гул кўчатлари экиш, ободонлаштириш ишлари ниҳоясига етказилмоқда, – дейди биз билан суҳбатда «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ Мультимедия ва ахборот таҳлил гуруҳи мутахассиси Рустам Ҳайдаров. –Мамлакатимиздаги дастлабки уч поғонали транспорт ечими ҳисобланган мазкур лойиҳа халқимиз учун муносиб туҳфа бўлиши, шубҳасиз. Бу ерда ҳайдовчилар ва йўловчилар учун бир қатор қулайликлар яратилган. Эътиборли жиҳати, кўприк атрофида бирорта ҳам светофорлар бўлмайди. Автомобиллар барча йўналишда тўхтовсиз ҳаракатни давом эттириши туфайли тирбандликларнинг олди тўлиқ олинади.

Ушбу транспорт ечими «Кўприкқурилишлойиҳа» унитар корхонаси ҳамда «Боштранслойиҳа» акциядорлик жамияти мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра Оҳангарон ва Паркент кўчалари умумий узунлиги 502 метр бўлган туннель услубидаги йўл ўтказгич билан боғланди. Туннелнинг 133 метри ёпиқ бўлиб, кенглиги 26,7 метрни ташкил этади. Кўприк ости баландлиги эса 5,5 метр. Лойиҳанинг иккинчи поғонасида ер сатҳидан 1 метр баландликда қурилган 29 метр узунликдаги 2 та йўл ўтказгич барпо этилиши билан ҳалқасимон йўл ҳаракати ташкил этилади. Учинчи поғонаси эса Маҳтумқули ва Шарқий аэропорт кўчаларини боғловчи умумий узунлиги 593 метр, кенглиги 26 метр бўлган йўл ўтказгичдир. Унинг 411 метри эстакада, 182 метри эса таянч деворли қисмдан иборат. Ушбу иншоотнинг эътиборга молик жиҳатларидан яна бири, бу янгича услубда тиргак деворларини монолит услубида қурилгани. Бу объектнинг мустаҳкамлигини ҳамда яроқлилик муддатини оширишга хизмат қилади.

– Йўлларнинг созлиги ва уларнинг узоқ муддат давомида халқимизга сифатли хизмат қилиши бугунги кунда ғоятда долзарб бўлган вазифалардан, – деди Рустам Ҳайдаров. – Шу сабабли қурилиш жараёнида асфальт ётқизиш ишларига катта эътибор берилди. Бу борада АҚШ технологияларидан унумли фойдаланилиб, ушбу йўлларнинг сифати ҳамда яроқлилик муддатига алоҳида аҳамият қаратилди. Бугунги кунда меъмор ва қурувчиларимиз, лойиҳачи ва муҳандисларимиз томонидан энергия тежамкор, иқтисодий самарадор бўлган лойиҳаларнинг ҳаётимизга чуқур татбиқ этилаётгани ўз самарасини бермоқда. Шу жиҳатдан олиб қараганда, кўприкларни қуриш борасида унинг атрофига замонавий ёритгичлар ўрнатилиши лозим деб топилди. Бу эса энергия манбаини иқтисод қилиши баробарида, йўловчиларнинг йўлларини ёритиб туриш имкониятини беради. Йўлакларга эса сифатли брусчаткалар ётқизилди. Мазкур транспорт ечими фойдаланишга топширилгач, тирбандликлар олди тўлиқ олиниб, автомобиль ўтказиш имконияти соатига 21 мингтага етади.

Мамлакатимиз темирйўлчилари томонидан қарийб икки йил давомида бунёд этилган мегалойиҳа – Тошкентнинг энг катта чорраҳаларидан бири бўлган Оҳангарон ва Паркент ҳамда Маҳтумқули ва Шарқий аэропорт кўчаларини боғловчи янги уч поғоналик транспорт ечими халқимизнинг узоғини яқин, оғирини енгил қилишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Наргиза МИРЁҚУБОВА,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

***Навоий шаҳрининг Амир Темур ва Ғалаба кўчалари кесишган жойда бунёд этилаётган пиёдалар учун ер устидан ўтувчи мегакўприкнинг қурилиш ишлари шу кунларда янада жадаллашган.***

# Навоийда мегакўприк бунёд этилмоқда



«Навоий минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати» ДУК буюртмаси асосида «Навоий кўприклардан фойдаланиш» унитар корхонаси пудратчилигида барпо этилаётган кўприк бир дақиқада 400 нафар пиёдага хизмат қилишга мўлжалланган.

– Умумий лойиҳа қиймати 15,5 миллиард сўм бўлган мазкур иншоотнинг баландлиги 5,5 метр, кенглиги 4,5 метрни ташкил этади, – дейди «Навоий кўприклардан фойдаланиш» унитар корхонаси бош пудратчиси Алберт Каримов. – Айни пайтда 100 нафарга яқин бунёдкорлар меҳнат қилаётган мегакўприкда пастдан чиқишда 1,8 метр кенгликда пандус ҳамда 2,7 метр кенгликдаги зиналар тўрт томондан ўрнатилмоқда. Яқин кунларда кўприкнинг қурилиш ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилади.

**Суратда:** бунёдкорлик ишларидан лавҳалар.

**Сирож АСЛОНОВ (ЎзА) олган суратлар.**

O'ZBEKISTON BUNYODKORI СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№22-23 (371-372) 2020 йил 20 март

# «ҚИШЛОҚҚУРИЛИШЛОЙИҲА» МЧЖ БОШ ЛОЙИҲА-ҚИДИРУВ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

*мамлакатимиз аҳлини, юрт ободлигига муносиб ҳисса қўшаётган лойиҳачи, қурувчи ва меъморларни яқинлашиб келаётган*

***Наврўз айёми***

*билан самимий қутлайди. Жонажон Ватанимиз тинч, меҳнатсевар, бунёдкор халқимиз ҳамиша омон бўлсин!*

# «O'ZSHAHARSOZLIK LITI» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

*меҳнатсевар, бунёдкор халқимизни*

***Наврўз айёми***

*билан табриклайди. Барчага узоқ умр, бахту саодат, юрт равнақи йўлидаги эзгу ишларида куч-қувват ва муваффақиятлар тилайди. Байрамингиз муборак, азизлар!*



# «QISHLOQ QURILISH INVEST» ИК жамоаси

барча юртдошларимизни бетакрор айём –

**Наврўзи олам**

билан чин юракдан муборакбод этади! Ватанимиз тараққиёти йўлида асло чарчаманг, деб қоламиз.



# Наврўз муборак, гўзал Ватаним!

(Давоми. Боши 1-бетда)

Улуғ аждодларимиз кўклам чоғи табиатда юз берадиган бундай ўзгаришларни, бутун борлиқнинг уйғонишини йилнинг алмашиши, янги йил – янги куннинг келиши, деб билганлар. Ва шу тариқа неча-неча минг йиллардан бери Наврўз айёми шарқ халқларининг қутлуғ байрами сифатида нишонлаб келинади. Халқ ўз орзу-истаклари, ҳаётдан, безавол умрдан кутаётган улуғ неъматларни Наврўз билан чамбарчас боғлаб, бу айёмни соғинч билан қаршилайди. Наврўзни халқ сайллари билан гўзал байрам сифатида нишонлаш эл-юртнинг беқиёс миллий қадриятларидан бирига айлангани боиси ҳам шунда.

Ҳар қандай миллий қадрият эса, ўша халқнинг ўзлигини англатади. Боболари, аждодлари ким экани, улар қандай яшаб, қандай умргузаронлик қилганларини унутмаслик, буюк ўтмиши, улуғ тарихи, аждодлар шавкати билан фахр-ифтихор ҳиссини туйиш ҳар қандай миллатнинг кучига куч қўшган, қудратига қудрат бағишлаган. Бирор босқинчи қай бир юртни истило қилмоқчи бўлса, аввало, унинг миллий қадриятларини йўқотишга ҳаракат қилади. Тарихда бизнинг қадим Турон юртимизга қай томондан ёвуз босқинчилар, «нонга тўйганда ҳам маконга тўймаган» талончилар бостириб келган бўлса, халқимиз хотирасидан миллий қадриятларни ўчириб ташлашга жон-жаҳди билан тиришган. Негаки, миллий қадриятларидан мосуво бўлган эл-юрт ўзлигини, буюк аждодлари шавкатини унутишга маҳкум бўлади. Қадриятларидан, миллий тагзаминидан ажралган халқни қул қилиб ишлатиш, бойликларини талаш, истаганча таҳқирлаш осон кечган. Шунинг учун мустабидлик замонларида халқнинг тарихини сохталаштириш, миллий қадриятларини эскилик сарқити деб камситиш ва шундай уринишлар орқали ўсиб келаётган ёш авлодларни илдизидан ажраган дарахтдек маънавий қадриятларидан бебаҳра, манқурт ҳолда яшаши, босқинчиларнинг мақсад-муддаоларига мос келадиган ўзга маданиятларни руҳиятига сингдиришига замин ҳозирланган.

Қуёшнинг қайноқ тафтини соғинган майсалар кўзни қувнатиб, кўкка бўй чўзади. Бутун борлиқда уйғониш, янгиланиш, яшариш манзаралари.

Борлиқдаги уйғониш, янгиланиш ва яшариш озод ва обод Ватанимизга боқий байрам, қут-барака, тўкинлик ва меҳру оқибат рамзи – Наврўзи олам келганидан дарак беради.

Юртимиз тинч. Осмонимиз мусаффо. Бир дунё орзулар билан эртани кутиб, келажакка ишониб, тўю-томошалар қилиш, янги уй-жойлар солиш, Ватан тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш ниятида яшаётган халқимиз «Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзи олам, қадаминг қутлуғ бўлсин! Юртимиздаги тинчлик-омонликка кўз тегмасин!» деб Наврўзга пешвоз чиқмоқда...

Буни англаш учун тарихнинг олис пучмоқларига назар солиш шарт эмас. Бундан ўттиз-ўттиз беш йил муқаддам, шўролар замонининг айни гуллаган чоғлари Наврўз байрамини тақиқлаш юзасидан олиб борилган ташвиқоту амр-фармонларни эслашнинг ўзи кифоя. Бугунги авлод ўша кунларни жуда яхши эслайди. Зеро, юртимиз мустақиллигининг илк йилидаёқ, аниқроғи, 1991 йили Наврўз байрамини тиклаш ҳақида Биринчи Президентимиз томонидан махсус Фармон қабул қилинди. Бу муҳим тарихий ҳужжатда республикада инсоний қадриятларни янада камол топтириш, ўз-ўзига ишонч руҳи ва миллий ғурурни мустаҳкамлаш, дўстлик, биродарлик, ҳамжиҳатлик, меҳр-шафқатни улуғлаш, маданий ва тарихий анъаналарни давом эттириш ҳамда ривожлантириш, асрлар давомида шаклланган урф-одатлар ва удумларни эъзозлаш мақсадида Наврўз байрамини кенг нишонлаш юзасидан муҳим тадбирлар белгиланган эди. Шундан буён ҳар йили кўклам фаслида анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Наврўз байрами халқимиз миллий анъаналарининг асрлар ғуборидан покланиши ва қайта юз очиши сифатида янгича мазмун билан бойиб бормоқда. Наврўзни Ўзбекистонда яшаётган барча халқлар ўз миллий байрамларидек қабул қилиб, тўкин дастурхон ва халқ сайллари билан нишонламоқда.

Биринчи Президентимизнинг миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, тиклаш ва бойитиш йўлидаги бемисл жасорати туфайли деярли унут бўлиб кетиш арафасига келиб қолган кўплаб анъана ва маросимларимиз қатори Наврўз ҳам чин маънода эъзоз топди. Ўтган йилларда халқимизнинг Наврўз билан боғлиқ барча қадимий қадриятлари нафақат асл қиёфасига қайтди, балки мазмунан бойиди, эзгулик билан йўғрилган янги қирралари янада сайқал топди. Кўпкари, кураш каби миллий ўйинларимиз, арғимчоқ учиш, варрак учириш, қўчқор уриштириш анъаналари, фольклор-этнографик жамоаларнинг чиқишлари, лапар, ўлан, алла оҳанглари, қўли гул ҳунармандлар ясаган ранг-баранг амалий санъат намуналари, дорбоз, аскиячи ва қизиқчиларнинг томошалари, маҳалла-кўй ободлиги, оилалар фаровонлиги, эҳтиёжмандларга хайр-саховат кўрсатиш билан боғлиқ удумларнинг янгича талқинлари бу байрамга янада ўзгача файз бағишламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «2020 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорида халқимиз миллий юксалиш ва миллий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйган ҳозирги вақтда барча эзгу қадрият ва анъаналаримиз қатори Наврўз байрамининг ҳам ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётгани ушбу қадимий байрамнинг руҳи ва фалсафасида мужассам бўлган яшариш ва янгиланиш, яхшилик ва бағрикенглик, табиатни асраб-авайлаш, доимо у билан уйғун бўлиб яшаш каби ўлмас ғоялар бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг асосий мақсади ва маъно-мазмунига ғоят ҳамоҳанг экани таъкидланган.

Халқимиз асрлар давомида катта шоду хуррамлик билан нишонлаб келаётган, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қарори билан 21 март – бутун дунёда Халқаро Наврўз куни сифатида белгиланган Наврўзи оламнинг ана шундай беқиёс аҳамиятини ҳисобга олиб ҳамда бу айёмни янги Ўзбекистоннинг демократик қиёфаси, обрў-эътибори ва нуфузига ҳар томонлама муносиб тарзда ўтказиш белгиланган.

Наврўз – ўзининг маъно-мазмуни ва фалсафаси билан ҳаётимизга жо бўлган яшариш ва янгиланиш палласи, шарқона Янги йил дебочаси. Ушбу айёмни халқимиз ҳар йили кўтаринки руҳда, катта шодиёна билан нишонлайди.

Ҳар йили Шарқона янги йилнинг бошланиши, табиат уйғонишининг рамзи, асл миллий, энг ардоқли байрам бўлмиш Наврўзнинг юртимизда меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, инсонийлик, бағрикенглик ва бунёдкорлик, хайр-саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёш авлодни миллий анъаналаримизга садоқат ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтиришдаги ўрни ва таъсири тобора ортиб бораётганини инобатга олиб, бу қутлуғ айём юксак савияда нишонланиб келинмоқда.

Наврўз айёми замирида меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, инсонийлик, бағрикенглик ва бунёдкорлик, хайр-саховот, ёшларни миллий анъаналарга садоқат ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида камол топтиришдек эзгу фазилатлар мужассамдир.

Минг-минг йиллик қадриятларни ўзида жамлаган Наврўз эзгу аъмолларга шу қадар бойки, буни табиатнинг шунчаки яшариши билан изоҳлаб бўлмайди. Негаки, Наврўзда инсон қалби, руҳияти ва тафаккури ҳам янгиланади, юракларда муҳаббат, мурувват, саховат тошади. Ҳар бир ҳудудда Наврўз билан боғлиқ урф-одат ва анъаналар кўп. Жумладан, тоғли ҳудудлар аҳли байрамни «Бойчечак сайли» ёки «Бойчечак хабари» билан бошлайди. Болалар бойчечакдан гулдаста ясаб, бойчечак қўшиғини айтиб уйма-уй кириб, баҳор келганидан дарак беради. Кексалар, касалманд кишилар кўклам элчисини кўзда ёш билан қаршилайди. Бойчечакни кўзларига суртиб, шукрона келтиришади, болаларга суюнчи беришади.

Жанубий ўлкаларимизда баҳорнинг илк кунлари «Қозон тўлди» удуми ўтказилиб тухумбарак тайёрланади. Бу янги бошланаётган йилнинг ризқ-рўзли, қут-баракали келиши учун холис ният ифодаси. Фарғона водийсида дорбозлар, полвонлар беллашуви билан бу гўзал айём файзига файз қўшилади. Қорақалпоқ диёрида эса бахшилар дўмбирасига ёш-ялanглар жўр бўлади, халқона термалар, достонлар куйланади. Ўтовлар ёнида дошқозонлар осилиб, «Наврўз гўжа» тайёрланади. Қашқадарё ва Сурхондарёда ёрма ва сумалаклар пиширилади, дастурхонни кўк сомсалар безайди. Пойтахтимиз Тошкент маҳаллаларида эса ҳалиму сумалак пиширилиб, асрий анъаналар улуғланади. Барча вилоятларда элимиз фарзандлар - ёш болалар осмонга турфа хил варраклар учириб, кўнгилларини шод этадилар. Халқ сайллари, оммавий маросимлар эл-юртни бирлаштириб, ўзаро ҳамжиҳатликка, бирдамлик ва фаровонликка йўл очади.

Асрлар давомида Наврўз кунлари халқимиз ёппасига қир-адирларга, кўча ва хиёбонларга, гузар ва сайлгоҳларга сайлга чиққан. Бахшилар айтишуви, лапарлар, ҳазил-мутойиба, қўшиқлар, халқ термалари, аскиячилар пайрови янграган. Улоқ-кўпкари, пойга, кураш, мерганлик каби миллий ўйинлар ўтказилган. Дорбозлар, масхарабозлар, қўғирчоқбозлар, полвонларнинг томошалари бўлиб ўтган.

Йигитлар чиллак, зувиллатар ўйнайди, кураш тушиб беллашади. Қоқигулдан бошига чамбараклар тақиб олган қизлар қошларига ўсма тортишади. Дорбозга қараган одамнинг кўзи қамашади. «Беш тош», «Мак-мак» ва «Оқ теракми, кўк терак?» ўйинлари, полвонлик, гимнастика, акробатика, масхарабозлик, қизиқчилик каби намойишлар Наврўз сайли қатнашчиларини хушнуд этади. Дошқозонларда қайнаган сумалак ифори оламни тутади. Сочларига жамалак таққан қизлар шўх-шодон рақсга тушади. Онахонлар тандирдан қайноқ нонларни узиб, меҳмонларга улашади. Лапарлар, қўшиқлар, халқ термалари, аскиячилар пайрови қизийди.

Истиқлол йилларида Наврўз ва Мустақиллик байрамларини юртимиз ободлиги, халқимиз манфаатларига хизмат қиладиган янги бунёдкорлик иншоотлари, обод қишлоқлар, кўприклар, янги йўллар очиш билан қаршилаш гўзал анъанага айланди. Бу йилги Наврўз байрамида ҳам гўзал Ватанимизни янада обод этиб, халқимиз учун беқиёс қулайликлар яратадиган кўплаб янги ободончилик иншоотларини фойдаланишга топширишга пухта тараддуд кўрилди. Уй-жой қурилиши, таълим, тиббиёт, маданият, санъат ва бошқа ижтимоий соҳаларда ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилиб, инсон манфаатларига хизмат қилмоқда. Шаҳар ва туманлар, қишлоқлар янада чирой очиб, аҳоли турмуш фаровонлиги муттасил юксалмоқда.

Буюк мутафаккир шоиримиз Алишер Навоий ҳазратлари «Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб, дарё бўлур», деб ёзганларидек, Наврўз айёми арафасида элнинг узоғини яқин, оғирини енгил, Ватанни обод, эл-улусни фаровон қиладиган бундай иншоотлар, йўллар, мукаммал лойиҳаланган янги уй-жойлар, обод қишлоқлар, йирик саноат корхоналари элимизга, халқимизга туҳфа қилиниб борар экан, улар бир бутун ҳолда бутун мамлакатимиз ободлиги, халқимиз бадавлатлиги тимсолига айланиб, жаҳон узра истиқлол замонида миллий тараққиёт бобида эришган улкан ютуқларимизни намоён этажакдир.

**Дилшод ЖАЛОЛОВ.**











***Бобур ўзининг бетакрор ижод намуналарида баҳор, ёз, куз, қиш фаслларининг манзараларини ва киши руҳиятига, айниқса, ўзи каби ижодкор руҳиятига, ижодига таъсирини, шиддатини мароқ билан ёзган. Бироқ, у ҳам бошқа шоирлар, адиблар каби ўзининг санъаткорлик тажрибаси асосида баҳор қалам аҳли учун илҳом чашмаси эканлигига, баҳор сайри, Наврўз байрами шодиёнаси, экин-тикин ва тирикчилик ишларининг ҳаётий ва поэтик тасвирига алоҳида диққат қилиб, ўзига хос тимсол ва тасвирлар, шеърлар яратган.***

# «Бобурнома»да баҳор ва Наврўз талқини

Бобур жаҳон маданияти хазинасига қўшган «Бобурнома»дек муҳташам асарида баҳор манзараларини кузатиш, завқу шавқ, зўр иштиёқ билан тасвирлаш билан бирга, баҳор ва Наврўз байрами ҳақидаги айрим шеърларининг ёзилиш жараёнидан, тарихидан мухтасар тарзда воқиф этади, баҳорий манзаралар, лавҳалар билан китобхонни эринмай таништиради. Яъни, боғу боғотлари ўзгача, кенг экин майдонлари кўп юртларда баҳор, ҳудуди дашту биёбондан ёки асосий ерлари тоғу даралардан иборат элларда баҳор, қадимий шаҳарлару қасаба, маҳаллаларда баҳор каби ўзгача тасвиру манзаралар билан ва уларнинг қиёсида маҳорат билан қўллаган «баҳори бисёр яхши бўлур», «баҳори хўб бўлур», «хейли яхши бўлур», «сабзаву гуллар билан жаннат бўлур», «таърифида бир байте айтилиб эди» каби эътирофу ҳайратлари билан танишишимиз мумкин. Ёки асарнинг икки ўрнида лоланинг ўттиздан ортиқ турлари хусусида ҳам қимматли маълумотларни битгани ўқувчини лол қолдиради. Тақдир ишлари боис, у кўп юртларнинг баҳорини кўради. Таъкидлаш жоизки, Бобур «Бобурнома»да баҳор фасли манзараларига кенг тўхталса-да, Наврўз байрамини эса бир ҳаётий лавҳада тилга олади-ки, бу ҳаётий лавҳа биз учун қимматли ҳисобланади. Бобурнинг баҳор фасли ҳақидаги ҳайратларининг баёни «Бобурнома»да дастлаб тасвирланган Ўш қасабаси тасвирида учрайди: «Яна бири Ўш қасабасидур. Андижоннинг шарқи-жанубий тарафидадур, шарққа мойил. Андижондин тўрт йиғоч йўлдур. Ҳавоси хўб ва оқар суви фаровондур. Баҳори бисёр яхши бўлур». Ёки баҳор ҳақидаги ўта ҳаётий, жонли иккинчи тасвир қуйидагича: «Андижон руди Ўшнинг маҳаллотининг ичи била ўтуб, Андижонға борур. Бу руднинг ҳар икки жониби боғот тушубтур, тамом боғлари рудқа мушрифтур, бинафшаси бисёр латиф бўлур. Оқар сувлари бор, баҳори бисёр яхши бўлур, қалин лола ва гуллар очилур...».

Бобур «Бобурнома»да баҳор фаслида уюштирган сайиллари ва чиққан сайру саёҳатлари билан боғлиқ ҳамда ошиқона туйғулар ижтимоий кайфият билан уйғунлашган тасвирлар шарҳида баҳорни, Наврўз байраминиараннум қилиб, байтлар, алоҳида ғазал ҳам ижод қилган. Бобур Наврўз байрамини асарнинг бир ўрнида тилга олган, яъни унинг Наврўз байрами ҳақидаги хабари ва лирик шеъри «Бобурнома»да 1503-1504 йил воқеалари баёнида учрайди. Мазкур тасвирда Бобур Ийд билан Наврўз байрамининг кетма-кет келганлигига алоҳида урғу берар экан, бу хайрли ва хосиятли ҳолатдан илҳомланиб, 7 байтли янги бир қутлов ғазал ижод қилганидан хабар беради ва қутлов ғазалининг икки байтини «Бобурнома»да ёзиб қолдиради: «Ийди фитр эди... Ийд намозини Гўмал рудининг ёқасида ўталди. Наврўз ул ийдқа ёвуқ келиб эди. Тафовут бир-икки кун эди, ул тақриб била бу ғазални айтиб эрдим:

**Янги ой ёр юзи бирла кўруб ул шод байрамлар,**
**Манга юзу қошингдин айру байрам ойида ғамлар.**
**Юзи Наврўзи васли Ийдини, Бобур, ғанимат тут –**
**Ки, мундин яхши бўлмас, бўлса юз Наврўзу байрамлар».**

Бобур асарида шу хайрли воқеалар таъсирида ёзган 7 байтли қутлов ғазални тўлиқ 7 байт шаклида эмас, балки ғазалининг гўзал матла ва мақтасини беради ва ушбу ғазалда ўзининг қутлови ҳам берилганлигидан қандай кайфият билан бошлаб, қандай кайфият билан якунлаганлигидан ҳам воқиф қилади, вақт ўтиб, ғазалнинг тўлиқ матни «Девон»ига киритилган, бизгача етиб келган.

«Бобурнома»да битган ушбу хабардан маълумки, ўзига бир олам, жаҳон излаб юрган шоҳ ва шоир Бобур Ҳайит билан Наврўз байрамининг яқин келганлигини яхшилик аломати сифатида алоҳида таъкидлайдики, бу хайрли яқинлик ўзи учун, сафардаги ҳамроҳлари учун, укаси Жаҳонгир мирзо учун ҳамда сипоҳи ва беклари учун хурсандчиликка сабаб бўлади. Закий ва валий шоир гўзал бир қутловга йўғрилган ғазал ёзганини айтади. Байтларга эътибор қаратсак, янги ойдан, Ҳайит билан Наврўзнинг бир-бирига яқин келишидан умидвор Бобур гўё янгича завқ, иқбол, саодат, давлат топгандек бўлиб, бу «ёвуқ»ликни яхшиликка, улуғликка, давлатга менгзайди. Янги ойдан, икки улуғ кундан бугуни ва келажаги учун хайру баракани, фатҳ калитини ушлаб қолишни, ғанимат билишни рамзий маънода ўзига, укаси Жаҳонгир мирзога, бекларига гўё амр этади ва у амр шеърий санъатининг гўзал намунасини яратган. Амр – бадиий сўз санъатларидан бири. Ижодкорнинг ўқувчига қатъий насиҳати, буйруғи мазмунига эга бўлади. Янги ойдан, Ҳайитдан, Наврўз байрамидан кўп ёруғликлар, кўп имкониятлар кутаётган шоҳ ва шоир Бобур мазкур байтларда амр билан сўзида чекланиб қолмай, унга амал қилиш лозимлигига ҳам даъват қилади.

Хулоса шуки, даҳо сўз санъаткори мемуарда баҳор ва Наврўз ҳақида битган тасвирлару шеърларида Андижон баҳори, Наврўзининг файзу тароватини ҳам эслаб, соғиниб, қиёслаб ёзганини сезиш мумкин.

**Буробия РАЖАБОВА,**
**адабиётшунос олима.**

O'ZBEKISTON BUNYODKORI СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№22-23 (371-372) 2020 йил 20 март

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## «Андижонсувқурилишинвест» ДУК

## ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

1. Андижон вилояти, Марҳамат туманидаги «Ғарбий Қорақўрғон» хўжаликлараро коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.

**Объектнинг бошланғич нархи –**
925 343 905 сўм ҚҚС билан.

**Ишларни тугаллаш муддати** – 8 ой.

2. Андижон вилояти, Пахтаобод туманидаги «Шомат» хўжаликлараро коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.

**Объектнинг бошланғич нархи –**
412 522 662 сўм ҚҚС билан.

**Ишларни тугаллаш муддати** – 6 ой.

3. Андижон вилояти, Қўрғонтепа туманидаги «Жанай» хўжаликлараро коллекторини тизимли таъмирлаш ва тиклаш.

**Объектнинг бошланғич нархи –**
532 284 246 сўм ҚҚС билан.

**Ишларни тугаллаш муддати** – 9 ой.

**Буюртмачи:** «Андижонсувқурилишинвест» Давлат унитар корхонаси.

Манзил: Андижон шаҳри, Н. Охунов кўчаси, 35-уй.
Тел.: (74) 223-56-38, 223-52-63, 223-52-64.

**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

**Танлов иштирокчилари қуйидаги талабларга лойиқ бўлишлари лозим:** иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

**Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танловда қатнашганда, танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий танлов иштирокчилари учун қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади:** таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг танлов таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат) лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Танлов иштирокчилари танловда қатнашиш тўғрисидаги таклифлари ва танлов ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан танлов ташкилотчиси Андижон вилоятининг Қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин:** Андижон шаҳри, А. Навоий шоҳкўчаси, 30-уй.

**Тел./факс:** 74-223-57-05.

Тасдиқланган танлов ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин.

**Танлов таклифлар очилиши dxarid.uz махсус ахборот порталида эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:** Андижон шаҳри, Н. Охунов кўчаси, 35-уй (буюртмачи биноси).

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## «Андижонсувқурилишинвест» ДУК

## ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

1. Андижон вилоятининг Пахтаобод ва Избоскан туманларидаги суғориладиган ерларнинг сув таъминотини яхшилаш учун Майлисой сув омборини қуриш. 2-босқичдаги МК-1 каналини реконструкция қилиш.

**Объектнинг бошланғич нархи –**
1 767 662 882 сўм ҚҚС билан.

**Ишларни тугаллаш муддати** – 15 ой.

2. Андижон вилоятининг Пахтаобод ва Избоскан туманларидаги суғориладиган ерларнинг сув таъминотини яхшилаш учун Майлисой сув омборини қуриш. 2-босқичдаги МК-2 каналини реконструкция қилиш.

**Объектнинг бошланғич нархи –**
2 245 439 128 сўм ҚҚС билан.

**Ишларни тугаллаш муддати** – 16 ой.

**Буюртмачи:** «Андижонсувқурилишинвест» Давлат унитар корхонаси.

Манзил: Андижон шаҳри, Н. Охунов кўчаси, 35-уй.
Тел.: (74) 223-56-38, 223-52-63, 223-52-64.

**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва танлов ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан танлов ташкилотчиси Андижон вилоятининг Қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин:** Андижон шаҳри, А. Навоий шоҳкўчаси, 30-уй.

**Тел./факс:** 74-223-57-05.

Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин.

**Тендер таклифларининг очилиши dxarid.uz махсус ахборот порталида эълон чоп этилган кундан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:** Андижон шаҳри, Н. Охунов кўчаси, 35-уй (буюртмачи биноси).

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## «Сирдарё сув қурилиш инвест» ДУК

## ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| Т/р | Объект номи | Бошланғич нархи ҚҚС билан (сўм) | Қурилиш муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | Сирдарё вилояти, Ховос шаҳри «Ховособод» МФЙда 10 дона мелиоратив тик қудуқлар ва 5 км сизот сувлар олиб чиқиб кетувчи тармоқлар қуриш | 3 184 382 150 | 300 кун |
| 2. | Сирдарё вилояти, Ховос шаҳри ҳудудида очиқ коллекторларни реконструкция қилиш ва ёпиқ-ётиқ коллекторлар қуриш | 2 630 387 252 | 365 кун |

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## «Сирдарё сув қурилиш инвест» ДУК

## ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| Т/р | Объект номи | Бошланғич нархи ҚҚС билан (сўм) | Қурилиш муддати |
|---|---|---|---|
| 1. | Сирдарё вилояти туманларида мелиоратив тик қудуқлар қуриш ва реконструкция қилиш (4 дона). | 1 215 052 379 | 120 кун |
| 2. | Сирдарё вилояти, Ховос тумани «Бунёдкор» МФЙ ҳудудида тик қудуқлар қуриш (3 дона). | 1 205 375 896 | 120 кун |

**Қурилиш ишларини молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

**Буюртмачи:** «Сирдарё сув қурилиш инвест» ДУК .

**Манзил:** Гулистон шаҳри, Хондамир кўчаси, 127-уй.

**Тел.:** 67-225-13-42.

Талабгор сифатида қатнашаётан корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак:

- тендер савдолари предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Сирдарё вилояти курилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этишлари мумкин:** Гулистон шаҳри, М. Ахтамова кўчаси, 30-уй.

**Тел.:** 67-227-64-42.

Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот dxarid.uz порталидан юклаб олиш мумкин.

**Таклиф (оферта)лар очилиши матбуотда эълон берилган санадан бошлаб тендерлар учун 15 кун ва танловлар учун 10 кундан кейин қўйидаги манзилда ўтказилади:** Гулистон шаҳри, М. Ахтамова кўчаси, 30-уй (Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг маркази биноси).

## ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## Наманган вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи» инжиниринг компанияси

## қуйидаги объектга тендер эълон қилади:

Наманган шаҳри, Сирғали кўчасида жойлашган Наманган вилояти прокуратураси ҳудудида ёрдамчи бино қуриш.

**Объектнинг бошланғич нархи –**
1 584 781 407 сўм ҚҚС билан.

**Қурилиш муддати** – 2020 йил 30 сентябрь.

**Буюртмачи:** Наманган вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи» инжиниринг компанияси.

**Манзил:** Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уй.

**Тел.:** 69-233-53-78, 69-233-06-11.

**Молиялаштириш манбаи:** Давлат бюджети маблағи ҳисобидан.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари лозим.

**Иштирокчилар тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва тендер ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан тендер ташкилотчиси Наманган вилояти қурилишда танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этишлари мумкин:** Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 22-уй.

**Тел./факс:** 69-227-91-47.

Тасдиқланган тендер ҳужжатлари билан танишиш учун уларни буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича dxarid.uz махсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.

**Таклиф (оферталар) очилиши dxarid.uz махсус ахборот порталида эълон чоп этилган санадан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади:** Наманган шаҳри, Амир Темур кўчаси, 105-уй, буюртмачи биноси.

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## Хоразм вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

## ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| Т/р | Объект номи | Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда | Қурилиш муддати, календарь кун |
|---|---|---|---|
| 1. | Янгибозор тумани марказида 330 ўқувчи ўринли янги мактаб қурилиши (12х24 метр ўлчамли спортзал билан) | 5 737 362 158 | 145 |
| 2. | Янгибозор туманидаги 10-сонли мактаб-интернатини қайта таъмирлаш | 4 602 366 463 | 130 |
| 3. | Янгиариқ туманидаги 15-сонли мактабни қайта таъмирлаш | 4 441 718 111 | 135 |
| 4. | Хива туманидаги 15-сонли мактабни қайта таъмирлаш (2-этап) | 2 013 690 643 | 120 |
| 5. | Хива туманидаги 10-сонли мактабни мукаммал таъмирлаш (2-этап) | 1 940 229 532 | 120 |
| 6. | Хазорасп туманидаги 8-сонли мактабни қайта таъмирлаш (2-этап) | 2 686 606 628 | 120 |
| 7. | Хазорасп тумани, «Обод» МФЙ ҳудудида 330 ўқувчи ўринли янги мактаб қурилиши (12х24 метр ўлчамли спортзал билан) | 5 605 740 444 | 145 |
| 8. | Гурлан туманидаги 19-сонли умумтаълим мактабни қайта таъмирлаш | 3 405 531 604 | 130 |
| 9. | Хива шаҳридаги 2-сонли умумтаълим мактабини қайта таъмирлаш | 5 631 076 271 | 140 |
| 10. | Боғот туманидаги 29-сонли умумтаълим мактабини қайта таъмирлаш | 4 564 764 891 | 130 |
| 11. | Урганч шаҳрида 75 ўринли ички ишлар ходимларини соғломлаштириш маркази қурилиши | 4 327 191 345 | 150 |
| 12. | Хива шаҳри, «Гулистон» МФЙ ҳудудида тунги ёритиш чироқлари ва пиёдалар йўлакчаларини қуриш | 2 958 857 838 | 100 |
| 13. | Хива шаҳри, «Гулирайҳон» МФЙ ҳудудида тунги ёритиш чироқлари ва пиёдалар йўлакчаларини қуриш | 2 485 647 147 | 100 |
| 14. | Қўшкўпир тумани, «Полвон» МФЙ ҳудудида тунги ёритиш чироқлари ва пиёдалар йўлакчаларини қуриш | 1 568 581 489 | 80 |
| 15. | Хива тумани, «Гандимиён» МФЙ ҳудудида тунги ёритиш чироқлари ва пиёдалар йўлакчаларини қуриш | 1 542 691 914 | 80 |
| 16. | Хива тумани, «Оқёп» МФЙ ҳудудида тунги ёритиш чироқлари ва пиёдалар йўлакчаларини қуриш | 1 472 850 562 | 110 |

**Буюртмачи:** Хоразм вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

**Манзил:** Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 23-уй.

**Тел.:** (62) 223-09-29.

**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат) лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва танлов ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан танлов ташкилотчиси Хоразм вилояти қурилишида танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этиши мумкин:** Урганч шаҳри, П. Маҳмуд кўчаси,10-уй.

**Тел.:** 62-228-51-99.

Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин.

Таклифлар тендер ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда 2020 йил 2 апрель куни, соат 17.00 гача қабул қилинади.

**Таклифларни очиш тендер эълон қилинган санадан бошлаб 15 (ўн беш) кундан кейин 2020 йил 3 апрель куни соат 11.00 дан бошлаб қуйидаги манзилда бўлиб ўтади:** Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 23-уй.

Эълон dxarid.uzex.uz сайтида берилган.

## «Qashqadaryo kim oshdi savdo» МЧЖ

### очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

2020 йил 20 апрель куни соат 11.00 дан бошлаб Қарши шаҳар, 4-митти туман ҳудудида жойлашган жамият офиси биносида аукцион комиссияси иштирокида объектнинг бошланғич баҳосини ошириш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига 32-сон Манзил колониясига қарашли қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

1. 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 70 067 VSF бўлган, техник ҳолати носоз Нексия русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 4 760 000 сўм.

2. 1998 йилда ишлаб чикарилган, давлат рақами 70 182 VSF булган, техник ҳолати носоз Дамас русумли автомашина. **Бошланғич баҳоси** – 2 600 000 сўм.

Аризаларни қабул қилиш 17 апрель куни соат 13.00 да тўхтатилади.

Очиқ аукцион савдосида қатнашиш учун аризалар эълон чиққан санадан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача «Qashqadaryo kim oshdi savdo» МЧЖ офиси биноси (Қарши шаҳар, 4-митти туман, **мўлжал:** «Парвина» кафесининг ўнг ёни)да қабул қилинади.

Ғолиб харидорлар 10 (ўн) кун ичида олди-сотди шартнома тузишлари ва мулк қийматини олди-сотди шартномада кўрсатилган муддат ичида тўлаб беришлари шарт.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисида»ги келишувга асосан савдога қўйилган мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўланганини тасдиқловчи ҳужжат, жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, юридик шахслар учун корхона устави, рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси ҳамда ваколатли шахс номига берилган ишончнома тақдим қилишлари шарт.

Кўрсатилаётган ахборот-маслаҳат хизматлари учун қўшимча равишда энг кам ойлик иш хақининг икки баробари миқдорида ҳақ олинади.

Закалат пулини тўлаш учун реквизитлар: «Qashqadaryo kim oshdi savdo» МЧЖ, АТИБ «Ипотека-банк» Қашқадарё вилояти филиали МФО 00190 ҳисоб рақами 2020 8000 5043 9626 6001 СТИР 205 560 394.

**Манзил:** Қарши шаҳри, 4-митти туман.

**Мўлжал:** «Парвина» кафеси ёнида.

**Телефон:** 95-505-08-99

*1665 рақамли гувоҳнома.*

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## «Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси» Давлат унитар корхонаси

## ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| Т/р | Объект номи | Объектнинг бошланғич нархи, сўмда | Қурилиш муддати | www.xarid.uz махсус ахборот порталидаги лот рақами |
|---|---|---|---|---|
| 1. | 4К-364 «Навоий ш. – Нарпай қ. – Чордара қ. – Жалоир қ. – Абранон қ.» автомобиль йўлининг 0-2,5 км қисмини реконструкция қилиш | 20 811 930 120 сўм ҚҚС билан; 18 097 330 539 сўм ҚҚСсиз | 18 ой | № 7000408 |
| 2. | 4Н112 «Тахтакўпир ш. – Мулк ДФХ» автомобиль йўлининг 0-1,5 км қисмини реконструкция қилиш | 11 941 446 564 сўм ҚҚС билан; 10 383 866 577 сўм ҚҚСсиз | 18 ой | № 7000379 |
| 3. | 4Р55 «Митан – Қўшработ – Нурота» автомобил йўлининг 120-126 км қисмини реконструкция қилиш | 42 208 415 572 сўм ҚҚС билан; 36 702 970 062 сўм ҚҚС сиз | 30 ой | № 7000393 |
| 4. | 4Р176«Нукус ш. – Чимбай ш. – Тахтакўпир ш.» автомобиль йўлининг 110,5-114 км қисмини реконструкция қилиш | 24 478 560 667 сўм ҚҚС билан; 21 285 704 927 сўм ҚҚСсиз | 30 ой | № 7000374 |
| 5. | 4Р230 «А379 автойўли (10 км) – Бешработ қ. – «Навоий – Нурота» автойўли (8 км) автомобиль йўлининг 0-6 км қисмини реконструкция қилиш | 30 672 157 510 сўм ҚҚС билан; 26 671 441 313 сўм ҚҚСсиз | 30 ой | № 7000396 |
| 6. | 4Р48 «Зарафшон тракт» автомобиль йўлининг 127-133 км қисмини реконструкция қилиш объекти бўйича | 71 756 487 727 сўм ҚҚС билан; 62 396 945 849 сўм ҚҚСсиз | 30 ой | № 7000404 |

**Буюртмачи:** «Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дирекцияси» Давлат унитар корхонаси

**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

**Даъвогар сифатида тендерда иштирок этмоқчи бўлган корхоналар ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб бериши зарур:** айланма маблағлари танлов савдоси предметининг 20 фоизидан кам бўлмаслиги ёки кўрсатилган маблағларни тақдим этиш бўйича банк кафолати, ишлар (хизматлар) ни бажариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш базалари, меҳнат ресурслари ва мутахассисларига, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш бўйича иш тажрибаси, шартнома тузиш бўйича фуқаролик ҳуқуқдорлиги ва ваколатларига эга бўлиш.

**Танлов савдосида мамлакатимиз ва хорижлик қурилиш ташкилотлари қатнашган ҳолларда танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйидаги нархга оид имтиёзлар кўзда тутилган:** улар бўйича импорт қилувчилар қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод қилинадиган тақдирда танлов иштирокчиларининг танлов таклифлари ишлар (хизматлар)ни импорт етказиб беришда кўрсатилган солиқ суммасига қўшимча ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва танлов ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан танлов ташкилотчиси «Stroy Konsalting Servis» масъулияти чекланган жамиятнинг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этиши мумкин:** Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6 уй, 705-хона.

**Тел.:** 71-256-16-93, 99-484-56-66

Тасдиқланган тендер ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин.

Таклифлар тендер ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда 2020 йил 2 апрель куни соат 15.30 гача қабул қилинади.

**Оферталарни очиш www.xarid.uz махсус ахборот порталида эълон берилган кундан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда амалга оширилади:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳкўчаси, 68-уй.

## БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## Хоразм вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси

## ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| Т/р | Объект номи | Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан, сўмда | Қурилиш муддати, календарь кун |
|---|---|---|---|
| 1. | Хонқа туманидаги вилоят ХОСПИС марказини янгидан қуриш | 4 327 091 210 | 200 |
| 2. | Қўшкўпир тумани тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш | 9 319 992 513 | 220 |

**Буюртмачи:** Хоразм вилояти ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси.

**Манзил:** Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 23-уй.

**Тел.:** (62) 223-09-29.

**Молиялаштириш манбаси:** Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан.

Тендер иштирокчилари иш (хизмат) ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига, мутахассисларнинг етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.

Таклифларни баҳолашда иштирокчиларнинг тендер таклифлари қонун ҳужжатларига мувофиқ қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат) лари қўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

**Иштирокчи тендерда қатнашиш тўғрисидаги таклифи ва танлов ҳужжатлари бўйича сўровномалар билан танлов ташкилотчиси Хоразм вилояти қурилишида танлов савдоларини ташкил этиш консалтинг марказининг қуйидаги манзили бўйича мурожаат этиши мумкин:** Урганч шаҳри, П. Маҳмуд кўчаси,10-уй.

**Тел.:** 62-228-51-99.

Тасдиқланган танлов ҳужжатларини буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталидан юклаб олиш мумкин.

Таклифлар танлов ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда танлов dxarid.uzex.uz сайтидаги эълонда чоп этилган куни ва вақтига қадар, иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.

Таклифлар тендер ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда 2020 йил 1 апрель куни соат 12.00 гача қабул қилинади.

**Таклифларни очиш тендер dxarid.uzex.uz сайтида эълон қилинган санадан бошлаб 10 (ўн) кундан кейин 2020 йил 2 апрель куни соат 11.00 да қуйидаги манзилда бўлиб ўтади:** Урганч шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 23-уй.




## Вниманию организаций и предприятий!

## АО «TAHIYATOSH IES»

## ОБЪЯВЛЯЕТ ТЕНДЕРНЫЕ ТОРГИ

**по объекту:** «Строительство «Амбулаторно-диагностического центра» со швейным цехом путем перепрофилирования объекта медико-санитарной части на 100 мест, расположенного по ул. Ташаузская МСГ «Тахиаташ» Тахиаташского района».

**Срок окончания работ, установленный заказчиком** – 357 дней.

**Предельная стоимость заказчика составляет:**
18 151 181 349 сум без учета НДС;
20 873 858 552 сум с учетом НДС.

**Источник финансирования проекта** – за счет собственных средств АО «Тепловые электрического станции».

**Заказчик:** АО «TAHIYATOSH IES».

**Расположенный по адресу:** Тахиаташский район, г. Тахиаташ, п/о 6 «а».

**В тендере могут участвовать:**

- отечественные и зарубежные строительные организации, предприятия и фирмы, заявившие о своем намерении участвовать в тендере на предложенных условиях;
- участие в тендерах объединений юридических лиц (консорциумов) не допускается (см. ИТТ).

**К участнику на участие в тендере предъявляются следующие квалификационные требования:**

- наличие оборотных средств в размере не менее 20% от стоимости предмета тендера или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственной базы, трудовых ресурсов и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг);
- гражданская правоспособность и полномочия на заключение договора;
- наличие опыта работ за последние три года по аналогичным объектам и объемам тендера;
- предоставление сведений о ранее выполненных объемах работ собственными силами, намечаемом объеме работ, планируемом к выполнению собственными силами на объекте тендера (в процентах).

Если деятельность, связанная с выполнением работ (услуг), являющихся предметом тендера, подлежит лицензированию в соответствии с законодательством, к участию в тендере допускаются участники, обладающие соответствующей лицензией, выданной в установленном порядке. (см. ИТТ).

**Не допускаются к участию в процедурах тендера участники:**

- учреждённые менее 6 месяцев до объявления тендера;
- находящиеся в состоянии судебного или арбитражного разбирательства с заказчиком;
- зарегистрированные в государствах или на территории представляющих льготный налоговый режим и/или не предусматривающих раскрытие и предоставление информации при проведении финансовых операций (оффшорные зоны), а также на счёт нерезидентов в банках, находящихся в оффшорных зонах;
- находящиеся в Едином реестре недобросовестных исполнителей;
- имеющие задолженности по уплате налогов и других обязательных платежей;
- находящиеся на стадии реорганизации (разделение, слияние), ликвидации или банкротства, на имущество который наложен арест, а также имеющих непосредственную организационно-правовую или финансовую зависимость друг от друга, выраженную в форме актов учредительства, финансового участия, холдинга и других форм.

Требование ко всем документам, необходимым к подготовке и подачи тендерного предложения, отражены в тендерной документации, в том числе формы и образцы для заполнения.

Подача предложений является свидетельством того, что участник тендера ознакомился с вышеупомянутыми материалами, и у него нет вопросов по отношению к объемам работ, материалов, конструкции и прочих условий, влияющих на выполнение работ, предусмотренных проектом.

**Для получения тендерной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга – Консалтинговый центр по организации конкурсных торгов в строительстве Республики Каракалпакстан, по адресу:** г. Нукус, ул. Гарезсизлик, 59 «а» (блок 2, 1-этаж, кабинет №1).

**Тел.:** 61-222-96-25, **факс:** 222-74-12.

**Электронная почта:** radik_1987@list.ru

**Стоимость одного комплекта тендерной документации** – 223 000 сум.

Участники тендерных торгов имеют право обращаться к заказчику (организатору тендерных торгов) по предоставлению им проектную документацию, в т.ч. графическую часть (чертежи) для изучения и составления тендерного предложения.

При этом, Заказчик обязан предоставлять проектную документацию, в т.ч. графическую часть (чертежи оригинал или электронная версия) участникам тендерных торгов по первому их требованию.

Оферты принимаются организатором торгов по вышеуказанному адресу.

Крайний срок представления оферт организатору торгов – до 15.15 часов 15 апреля 2020 года.

**Вскрытие оферт состоится в здании Министерства строительства по адресу:** Республика Каракалпакстан, г. Нукус, ул. Гарезсизлик, 59 «а» (блок 2, 1-этаж, кабинет №1).

## ТАДБИРКОРЛАР ВА САРМОЯДОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

## «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ

## такрорий очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

«Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ томонидан ташкил этиладиган очиқ аукцион савдоларига Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки қошидаги «НБУ Бунёдкор Инвест» МЧЖнинг 2020 йил 18 мартдаги 247-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

1. Қорақалпоғистон Республикаси, Қораўзак туманида жойлашган **умумий майдони** – 2 600,45 квадрат метр, **қурилиш ости майдони** – 1 462,15 квадрат метр савдо расталари ва автотураргоҳ, 3 та литердан иборат, 1 қаватли «Қораўзак деҳқон бозори» мажмуаси. **Бошланғич баҳоси** – 5 081 062 661 сўм.

2. Навоий вилояти, Томди туманида жойлашган **умумий майдони** – 5 600 квадрат метр, **қурилиш ости майдони** – 1 013,63 квадрат метр, 5 та литердан иборат, 1 қаватли «Томди деҳқон бозори» мажмуаси. **Бошланғич баҳоси** – 2 873 630 000 сўм.

3. Фарғона вилояти, Фарғона туманида жойлашган **умумий майдони** – 10 400 квадрат метр, **қурилиш ости майдони** – 2 676,95 квадрат метр, **бетон майдони** – 2 218,0 квадрат метр, **асфальт майдони** – 2 478,85 квадрат метр, 6 та литердан иборат, 1 қаватли «Водил деҳқон бозори» мажмуаси. **Бошланғич баҳоси** – 4 883 065 731 сўм.

4. Сирдарё вилояти, Ширин туманида жойлашган **умумий майдони** – 5 891 квадрат метр, **қурилиш ости майдони** – 879,8 квадрат метр, 7 та литердан иборат бўлган 1 қаватли «Ширин деҳқон бозори» мажмуаси. **Бошланғич баҳоси** – 2 515 783 000 сўм.

Аукцион савдоси **2020 йил 24 март куни соат 11.00 дан бошлаб** Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Ҳ. Олимжон кўчаси, 13-«А» уй манзилида бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин, соат 18.00 да тўхтатилади.

Юқоридаги кўчмас мулк 2020 йил 24 март куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари **2020 йил 27, 31 март** кунлари соат 11.00 дан бошлаб бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилиш аукцион ўтказилиши белгиланган кундан бир иш куни олдин, соат 18:00 да тўхтатилади.

**Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:**

– **юридик шахслар** – давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

– **жисмоний шахслар** – паспорт ва СТИРнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо ғолибига савдо ўтказилган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулкнинг 1 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг қуйидаги ҳисоб рақамига, савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар, тўлашлари шарт:** 2260 4000 2049 2060 9001 ХАТБ «DAVR BANK» Олмазор филиали МФО 01121 СТИР 207122519.

**Савдода иштирок этиш учун талабномалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Ҳ. Олимжон кўчаси, 13-«А» уй.

**Тел.:** (71) 237-23-96.

**Электрон почта:** kmsxuz@inbox.uz, kmsxuz@mail.ru

**Веб-сайт:** www.1kms.uz

*Хизматлар лицензияланган.*
*RR-0001-сонли лицензия.*

## «Mulk o'lmas sarmoya» МЧЖ

## аукцион савдосига таклиф этади!

2020 йилнинг 20 апрель куни соат 10.00 дан бошлаб жамият офисида аукцион комиссияси иштирокида мулкнинг бошланғич баҳосини ошириш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги восита қўйилади:

«Темир йўл транспорти ва қурилиш бирлашмаси» давлат унитар корхонасига қарашли, 1990 йилда ишлаб чиқарилган, завод рақами 0215 бўлган, ТЕПЛОВОЗ ТГМ4Б-0215, техник таъмирталаб ҳолатда. **Бошланғич баҳоси** – 225 788 667 сўм.

**Ариза қабул қилиш тартиби:** аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар газетада эълон чоп этилган санадан бошлаб ҳар куни, дам олиш кунлари (шанба ва якшанба) ва байрам кунларидан ташқари соат 10.00 дан 17.00 гача «Mulk o'lmas sarmoya» МЧЖ офиси биноси (Қарши шаҳри, Бунёдкорлик кўчаси)да қабул қилинади (тушлик 13.00 дан 14.00 гача). Аризаларни қабул қилиш 2020 йил 17 апрель куни, соат 17.00 да тўхтатилади.

Ушбу кундаги савдоларда сотилмай қолган мулкнинг такрорий аукцион савдолари 2020 йил 27 апрель ва 4 май кунлари, соат 10.00 дан бошлаб бўлиб ўтади.

**Закалат пулини тўлаш учун реквизитлар:** «Mulk o'lmas sarmoya» МЧЖ, ҳисоб рақами 2020 8000 8045 9352 0001 АТИБ «Ипотека-банк» Қарши шаҳри филиали МФО 00190 СТИР 300 201 778 ОКОНХ 83300.

**Манзил:** Қарши шаҳри, Бунёдкорлик кўчаси.

**Мўлжал:** «Ucell» компанияси биноси рўпарасида жойлашган.

**Телефон:** (75) 225-16-81.

*0000195 рақамли гувоҳнома.*

# Кўклам – меҳнат билан кўркам

***Ўлкамизда кўклам нафаси уфуриши билан бирга барча жойда меҳнат сурони авжга чиқиши, шубҳасиз. Табиатнинг гўзал фасли ҳар қандай кишига ғайрат-шижоат бағишлаб, яратувчилик ва бунёдкорликка ундайди.***

Бу пайтда юртимизни янада обод қилиш, кўркамликка буркашдек олижаноб мақсад одамларнинг асосий шиорига айланишига шак-шубҳа йўқ. Айнан мана шу вазифага масъул бўлган ташкилотлар ходимларининг, айниқса баҳор бошланиши билан қўли-қўлига тегмаслиги боиси шундан. «Самарқандйўлкўкалам» унитар корхонасининг айни кунлардаги фаолияти билан танишсангиз, юқоридаги фикрга тўлиқ ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Аҳил жамоа қизғин мавсумнинг илк дамлариданоқ зиммадаги юмушларни аъло даражада уддалашга астойдил киришган. Белни маҳкам боғлаган йўлчилар вилоятдаги мавжуд 16 минг километрдаги умумфойдаланувдаги автомобиль йўлларида ободонлаштириш, улар икки ёқасини ям-яшил тусга кириши учун тинимсиз жонбозлик кўрсатаяптилар.

– Мўътабар заминимизни боғ-роғга айлантириш, майсазорлар ташкил этиш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир, – дейди корхона директори, табиат ошуфтаси Азизжон Ражабов. – Бинобарин, баҳор бизнинг ходимлар учун энг масъулиятли палла ҳисобланади. Улар буни чуқур ҳис этганлари боис, ишда ижобий ютуқларга эришяпмиз. Айни кунда республикамиз Президентининг 2017 йилдаги қарорида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш борасида кенг кўламдаги юмушлар уддаланмоқда. Муҳими, вилоятдаги умумфойдаланишдаги автомобиль йўллари ва уларнинг конструктив элементларини ноқулай об-ҳаво – иқлим омиллари таъсиридан ҳимоя қилиш, йўлларга туташ ҳудудларни транспорт воситаларининг булғаши ва ташланмалардан муҳофаза этиш ҳамда йўл бўйларини ландшафт меъморчилиги, ландшафт дизайни асосида кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштиришга жиддий аҳамият қаратилган. Агар ўтган икки йилда шу мақсадда кўча четларига манзарали ва ноёб ҳисобланган 79 000 туп дарахт ниҳоли ўтқазган бўлсак, жорий мавсумда элдар қарағайи, можжевельник, сафора, каталька, туя, клен, ясен, жийда, тут каби 25 турдаги 17 мингта дарахт ва бута кўчати экишни режалаштирганмиз. Йил давомида эса уларни парваришлаш, суғориш, ишлов бериш юмушлари билан банд бўламиз. Бунинг учун куч ва имконият ҳамда техника воситаларимиз етарлидир.

Белгиланган дастурга мувофиқ, йўлсозлар кўчалардаги панно ва стеллоларнинг чиройли кўринишга эга бўлиши, замонавийлик касб этишига ҳам алоҳида эътибор бераяптилар. Йўловчилар, сайёҳларга қулай инфратузилма яратишда ҳам уларнинг саъй-ҳаракатлари мақтовга сазовор. Кўклам. Меҳнат кўркам, деб шуни айтадилар-да!

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

# «Чинобод» соғломлаштириш маркази барпо этилмоқда

***Мамлакатимизда инсон манфаатлари олий қадрият сифатида эътироф этилади. Аҳоли ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, турмуш фаровонлиги даражасини ошириш, саломатлигини мустаҳкамлаш масалалари давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.***

Ушбу йўналишлардаги ишларга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан турли соҳа ходимларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари саломатлигини мустаҳкамлаш ва соғломлаштириш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларнинг моддий-техник негизи мустаҳкамланиб, янги санаторийларни барпо этиш ва мавжудларини кенгайтириш ишлари олиб борилаётгани мисолида ана шу саъй-ҳаракатларнинг амалдаги ифодасини кўриш мумкин.

– Касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда ҳар йили 150 мингдан ортиқ киши дам олиб, саломатлигини мустаҳкамлайди. Аҳамиятли жиҳати шундаки, уларнинг 57 минг нафардан ортиғи имтиёзли ва бепул йўлланмалар асосида соғломлаштирилади, – дейди Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати раҳбари Муҳаббат Ўрмонбекова. – Бугунги кунда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан давр талаби ва аҳоли эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда тизимдаги санаторийларда ўринлар сонини кўпайтириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш, сиҳатгоҳларнинг моддий-техник негизини мустаҳкамлаш, уларни сўнгги русумдаги тиббий ташхислаш ва даволаш асбоб-ускуналари ҳамда жиҳозлари билан таъминлаш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, ўтган йил якунида Сирдарё вилоятининг Янгиер шаҳрида 250 ўринли «Янгиер» санаторийси барпо этилиб, фойдаланишга топширилди. Тошкент, Сурхондарё вилоятларида янги санаторийлар ва дам олиш уйини барпо этиш ишлари давом эттирилмоқда.

Эндиликда аҳолининг сиҳатгоҳларда дам олиб, даволанишга бўлган талаб ва эҳтиёжлари ортиб бораётганини эътиборга олган ҳолда Федерация томонидан тизимдаги «Чинобод» санаторийси ҳудудида 142 ўринли «Чинобод» соғломлаштириш маркази янгидан қад кўтаради. Мазкур янги соғломлаштириш Марказида аҳолига юқори сифатли тиббий хизмат кўрсатишни таъминловчи ва дам олувчилар учун жаҳон стандартлари даражасида қулайликлар яратилган замонавий ётоқ ва даволаш бинолари, замонавий услубдаги шинам ошхона қурилиб, бугунги кунда пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Муолажалар самарадорлигини янада ошириш, дам олувчиларни соғломлаштириш билан бирга мазмунли ҳордиғини таъминлаш мақсадида санаторий ҳудуди ландшафтига кўрк берувчи ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам қизғин паллага кирган.

Марказнинг қурилиши ва жиҳозланиши, ҳудудни ободонлаштириш мақсадларига жами 60 млрд сўмга яқин маблағ йўналтирилиши кўзда тутилган. Янги замонавий бинонинг фойдаланишга топширилиши муносабати билан дам олувчиларни овқат ҳазм қилиш тизими, гинекологик, қандли диабет касалликлари бўйича даволаш ва соғломлаштириш имконияти янада кенгаяди.

Таъкидлаш ўринлики, ҳозирда фаолият кўрсатаётган «Чинобод» санаторийси ҳудудида барпо этилаётган мазкур Марказнинг асосий табиий шифо омилларидан бири – Тошкент артезиан ҳовузининг термал (+51 С) маъданли суви, хлорид-гидрокарбонатли, натрийли сувлар ҳамда балиқли кўлининг шифобахш балчиғидир.

Айтиш мумкинки, мазкур бинонинг қуриб фойдаланишга топширилиши дам олувчиларга қулайлик яратиши баробарида, кўплаб янги иш ўринларининг ташкил этиш имкониятини ҳам беради.

**Ўз мухбиримиз.**

***Наврўз умумхалқ байрами арафасида пойтахтимизнинг Сергели туманида электр таъминоти корхонасининг янги биноси фойдаланишга топширилди.***

# Энергетикларнинг янги биноси



«Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамияти томонидан ташкил этилган тадбирда туман ҳокимлиги масъуллари, «Ҳудудий электр тармоқлари» акциядорлик жамияти раҳбарияти, туман мутасадди корхона ва ташкилотлар вакиллари, ишчи-ходимлар ҳамда маҳаллий аҳоли иштирок этишди.

Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида амалга оширилаётган кенг кўламли қурилиш, бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари Сергели туманида ҳам янгиланишлар, ўзгаришларга асос яратиб бермоқда. Ҳудудда кўплаб йирик ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22 ноябрь 2016 йилдаги ПҚ-2660-сонли қарори ижроси доирасида Тошкент шаҳрининг Сергели туманида бунёд этилган 4 минг 88 квартирали 151 та кўп қаватли арзон ва шинам уй-жойларни электр энергияси билан таъминлаш мақсадида 117 километр узунликда электр тармоғи ва 36 та трансформатор пункти янгидан қурилди. Шу билан бирга, Тошкент метрополитенининг Сергели метро йўналишида қурилиш ишлари лойиҳаси доирасида узунлиги 6,94 километр бўлган метрополитен линияси ва 6 та бекат қурилиши белгиланган. Қайд этиш жоизки, 110/10 кВли янги барпо этилган «Истиқбол» нимстанцияси Тошкент ерусти метросининг Сергели йўналишини ҳам электр энергияси билан таъминлайди.

Сергели тумани электр таъминоти корхонасининг янги биноси фойдаланишга топширилиши ҳам тизимда кенг кўламли ишлар олиб борилаётганидан далолат бермоқда. Янги мажмуада яратилган шароит, мавжуд техник ва технологик ускуналар имконияти, қолаверса муҳандис-техник ва ишчи-ходимлар, корхона мутахассисларини ўқитиш, оператив-диспетчерлик хизмати томонидан амалга ошириладиган энергия таъминотининг автоматлаштирилган бошқарув тизими, маънавият ва маърифат хоналари иш самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга, истеъмолчилар қулайлиги учун уларни қабул қилиш хонаси, касса ва бошқа хизмат турлар мавжуд.

Айни пайтда Сергели тумани электр таъминоти корхонаси томонидан 816,93 км 0,4-6-10 кВли ҳаво тармоқлари ва 349 та 6-10/0,4 кВА трансформатор пункти орқали 1 838 та улгуржи ҳамда 66 999 аҳоли, жами 68 837 истеъмолчига хизмат кўрсатилмоқда.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, фойдаланишга топширилган янги бино туман аҳолисини сифатли ва узлуксиз электр энергияси билан таъминлашга хизмат қилиб, бу борадаги саъй-ҳаракатлар тизимли давом эттирилади.

**Дилфуза ҲАБИБОВА,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

# «ВАҲИМА ВИРУСИ»

## ёхуд юртимиздаги осойишталик, ноз-неъматларга нисбатан ношукрлик хусусида

### СИНОВЛАР...

Дунё яратилибдики, одамзоднинг ўзаро ёки табиат билан боғлиқ муносабатларида унинг эзгу эътиқоди, сабру қаноати, дину диёнати, умуман, гўзал хулқини имтиҳон қиладиган турли йўсиндаги синовлар бўлиб ўтган.

Бизнинг аждодларимиз бундай синовларни шарқона донишмандликка хос вазминлик билан енгиб, ҳеч қачон қаддини букмай, эртанги кунга қаттиқ ишонч ва умид боғлаб, матонат ва ирода билан эзгуликлар сари интилиб яшашган. Ота-боболаримизнинг ҳикоя қилишларича, диёримизда яқин ўтмишдаги энг мудҳиш синовлар – қатағон йиллари, Иккинчи жаҳон уруши ва урушдан кейинги даврларга тўғри келган. Ана шундай қаҳатчилик, очарчилик пайтларида ҳам халқимиз бошқаларга чин инсоний фазилатларини намоён қилишган. Узоққа бормайлик, биргина маълум ва машҳур мисол: Иккинчи жаҳон уруши даврида турли миллатларнинг қаровсиз ва етим қолган 16 нафар боласини ўз бағрига сингдирган темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудов ва турмуш ўртоғи Баҳри ая Акрамовалар оиласини олайлик. Инсонпарварликнинг бундай юксак намунаси ҳозирга қадар халқлар дўстлиги қадрияти сифатида қалбларимизда сақланиб келмоқда.

Эндиликда-чи? Инсоф билан ўзимиздан сўрайлик, бугун қай биримиз мана шундай муҳтарам ва мўътабар зотларга ўхшаб бағрикенглик, сабр-қаноат, шукроналик каби олижаноб фазилатлар билан умргузаронлик қиляпмиз?

Хўш, ушбулар орқали нима демоқчимиз, аслида? Юқоридаги кириш сўзларини келтиришдан мақсадимиз нима?

Шу кунларда бутун башарият учун офатга айланган «коронавирус» ва у билан боғлиқ муаммолар юртимизда ҳам ташвишли ҳолатларни келтириб чиқармоқда.

Бу ташвиш турли нозу неъматлар билан зийнатланган жаннатмонанд заминга қаноатсизлигимиз, айримларимизнинг очкўзлиги, шахсий манфаатпарастлигимиз оқибатида бугунги фаровон ҳаётимизга нисбатан ношукрлигимизда намоён бўлмоқда!

Бу ташвиш Ватанимизда мавжуд тинчлик, осойишталикка нисбатан эътиборсизлигимизда, бефарқлигимизда намоён бўлмоқда!

Бу ташвиш ҳамма нарсани давлатимиз ҳал қилиб беради, давлат нима учун, деган нохолис ва шум ният билан суғорилган, боқимандалик туйғуларимизда намоён бўлмоқда!

Бу ташвиш халқимизнинг иродаси, имон-эътиқоди синаладиган дамларда айрим кимсаларнинг мўмай пул ишлаб олиш илинжида ўз виждонини сотиб йўл қўяётган пасткашликларида намоён бўлмоқда!

Умуман, бу ташвиш буюк тарихий қадриятларга эга бўлган халқ, миллат эканимизни кўпчилигимиз унутиб, тарқоқлашиб, аросатда қолаётганимизда намоён бўлмоқда!

Бундай изтироб ханжари, қалб зарби билан чиқаётган номақбул сўзлар оммавий ахборот воситаларида ёритилаётган, жумладан, Интернет тармоғида кўрсатилаётган, яъни бозору дўконларда ҳам сотувчи, ҳам харидор сифатидаги айрим юртдошларимизнинг хатти-ҳаракатларидан келиб чиқиб дилдан тилга кўчмоқда.

Уларни кузатарkансан, айримларнинг кўзи очлиги оқибатида озиқ-овқат захирасини ўз эҳтиёжидан 5-10 маротаба ортиғи билан тўплаётганини ёки бўлмаса, ҳимоя ниқобларини ўз нархидан 5-6 баробар қимматига сотаётганини кўриб, оғир изтиробга тушасан. Ва беихтиёр, ич-ичингдан шундай саволлар отилиб чиқади:

Хўш, нима учун бунчалик ваҳима? Нима учун бундай пала-партишлик? Нима учун Ҳукуматга, сизу бизнинг соғлиғимиз, осойишталигимизга масъул бўлган юртдошларимизнинг сўзларию, улар томонидан кўрилаётган эҳтиёткорлик чора-тадбирларига нисбатан ишончсизлик?

Ёки... Нима, эрта-индин қаҳатчилик бошланадими, юртни сув босадими?

Нима, эртага охир замон бошланиб, Яратганнинг чексиз неъматлари тугаб қоладими? Ёки....

Азиз юртдошлар, қисматдошлар!

Дўппини бошдан олиб, бундоқ бир тафаккур қилайлик, ахир! Бизга нима бўляпти, ўзи? Нега ақлимиз, фаросатимиз, идрокимизни четга суриб қўйиб, ҳаёсизлик, очкўзлик, бошқалар ризқини қийиш сингари ҳайвоний қусурларимизни бутун дунёга кўз-кўз қиляпмиз? Ҳазрат Мир Алишер Навоий бобокалонимизнинг бундан қарийб олти аср олдин «Олдига қўйганни емак ҳайвоннинг иши, Оғзига келганни демак, нодоннинг иши» дея куйинганлари нега хаёлимиздан учди? Ёки Соҳибқирон Амир Темурнинг «Кам енглар – очарчилик кўрмасдан, бой-бадавлат яшайсизлар, кам ухланглар – комилликка эришасизлар, кам гапиринглар – доно бўласизлар» деган ҳурфикрлари қайда қолди?




Агар бу ҳикматларга амал қилмасак, ўзлигимизни англаб етмасак, унда биз нимамиз билан Инсонмиз? Қай жиҳатимиз билан бошқа маҳлуқотдан фарқланамиз? Ҳа, азизлар, бундоқ мушоҳада этайлик! Ҳеч қандай ваҳимага ўрин йўқ, аслида! Ҳаммасининг ечими ўзимизда, ботинимизда-ку!..

### ГЎЗАЛ НИЯТ, ҚАНОАТ ВА УМИДВОРЛИК ВАКЦИНАСИ...

Ислом оламида муқаддас Қуръони Каримдан кейинги китоб – «Саҳиҳи Бухорий» қуйидаги ҳадис билан бошланади: «Иннамал амал бинният», яъни «Албатта, амаллар ниятга боғлиқдир».

Шундай экан, авваламбор, ақл-идрокни ишга солиб, ниятимизни тўғрилаб олишимиз зарур. Бундоқ тафаккур қилиб кўрайлик. Наҳотки, инсоннинг ҳаёти ва тақдири биргина юқорида қайд этилган «вирус»га боғлиқ бўлса?! Наҳотки, шу билан фаровон ҳаётимиз якунига етса? Бунда биз соғлом фикр юритиб, масала моҳиятига назар ташлайлик, муаммонинг тўғри ечимини топайлик. Шундагина ҳар қандай «ваҳима вируси»ни енгиб ўтишда ботинимизда мислсиз куч, ишонч ва сокинлик туйғулари пайдо бўлади, зоҳиримизда эса ўзимизни бехавотир сеза бошлаймиз. Иккинчидан, сабр ва қаноатни ўзимизга ҳамроҳ билиб, бу ҳам тирикликнинг навбатдаги синови эканини тушуниб етишимиз керак. Зеро, сабр – умр хазинаси, қаноат эса осуда яшаш пойдевори, ҳалол меҳнат қилиб, хотиржам яшаш шарти эканлигини асло унутмайлик. Учинчидан, агар биз бундай ваҳималарнинг тезроқ диёримиздан даф бўлишини, яна аввалгидек, тўкин-сочинлик, фаровонликда яшашни хохласак, унда Ҳукуматимиз ва ваколатли органлар томонидан кўрилаётган ҳар бир хавфсизлик чора-тадбирларини табиий равишда қабул қилишимиз ва унга қатъий риоя этишимиз лозим бўлади. Тўртинчидан, турли асоссиз маълумотлар, ғаразли ниятда амалга оширилаётган ваҳимали сўзлар, ғийбату фасоддан огоҳ бўлиб, ўзимизнинг қатъий инсоний ва фуқаровий дунёқарашимизга эга бўлишимиз, ғоявий иммунитетимизни оширишимиз талаб этилади.

### ВАТАН БИТТА, ТАҚДИРЛАР МУШТАРАК...

Юртдошларимизнинг Интернет тармоғида пайдо бўлаётган ибратли таклифлари ва инсонга хуш ёқадиган савобли амаллари қалбимизга бироз таскинлик бағишлайди. Мана, яқинда фарғоналик ҳайдовчи юртдошимиз пойтахтда таълим олаётган талабаларни уй-манзилларига бепул олиб боришга бошқаларни даъват қилиб чиқибди. Бу хайрли юмуш мамлакат бўйлаб кенг тарқалди. Яна бир нонвой юртдошимиз ўзининг «ҳар қандай ҳолатда ҳам нոннинг нархи ўзгармайди» деган хизмати туфайли минглаб замондошларимизнинг дуосини олишга мушарраф бўлмоқда. Яна бир тадбиркоримизнинг эса ҳимоя ниқобларини текинга тарқатиб юрганининг шоҳиди бўлдик.

Биз мақолада юксак ривожланган хорижий давлатлар, чунончи, Жанубий Кореяда миллат тақдири ҳал бўлаётган паллаларда корейс халқининг ватанпарварлигини кўрсатувчи ибратларни, японларнинг ўз давлатининг гуллаб-яшнашига фидойиларча қўшган холис хизматларини ёхуд немис халқининг давлати томонидан ўрнатилган тартиб-қоидаларга сўзсиз амал қилишидаги намуналарни атайлаб келтирмадик. Чунки Ўзбекистон халқининг ҳам кўплаб дунё давлатлари ва халқлари эъзозлайдиган, аждодларимиздан ўтиб келаётган юксак инсоний фазилатлари борки, ушбулар агарда фитратимизда, қонимизда жўш уриб юзага чиқса борми, биз бемалол дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари қаторидан жой ололамиз.

Демоқчимизки, шукроналик, вазминлик, бағрикенглик, саховатпешалик каби кўплаб фазилатларга эга Ўзбекистон халқида бундай синовларни енгиб ўтишда ақл-тафаккур ҳам, дину диёнат ҳам, мустаҳкам эътиқод ҳам, меҳнатсеварлигу интилиш ҳам етарлича топилади.

Зеро, биз учун Ўзбекистон аталмиш она замин ягона, қисматимиз эса бир ва улар чамбарчас боғлангандир...

**Обиддин МАҲМУДОВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,**
**Халқ таълими аълочиси.**

# СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

## қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси

азиз юртдошларимизни
баҳор гулларига бурканган

**Наврўзи олам**

билан муборакбод этади.
Ушбу баҳорий Айёмда барчангизга
бахту саодат ҳамда хуш кайфият ёр бўлсин!

# ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ

## қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси

жаннатмонанд юртимиз табиати
уйғона бошлаган бугунги шукуҳли
дамларда бутун Ўзбекистон халқини
янгиланиш ва яшариш рамзи –

**Наврўзи олам**

билан табриклайди.
Ушбу айём барчангизга
баҳорий хушкайфият,
бахт ва омад олиб келсин!

# «TOSHUYJOYLITI» АЖ

## жамоаси

Азиз юртдошлар!
Сизларни янгиланиш ва
яшариш айёми –

**Наврўзи олам**

билан самимий қутлаймиз.
Чирой очиб бораётган диёримизнинг
бундан-да равнақ топиши йўлида
меҳнатсевар халқимизга
тани сиҳатлик,
куч-қувват тилаймиз.

**Наврўзи олам муборак,
азиз юртдошлар!**

# «ЙЎЛ-ЛОЙИҲА БЮРОСИ» МЧЖ ЛОЙИҲАЛАШ ИНСТИТУТИ

## жамоаси

меҳмондўст ва меҳнатсевар
халқимизни фасллар келинчаги
баҳорнинг улуғ айёми бўлмиш

**НАВРЎЗИ ОЛАМ**

билан муборакбод этади.
Ҳамиша юртимиз тинч ва осмонимиз
мусаффо бўлсин, азиз юртдошлар!


«O'ZBEKKOMMUNALLOYIHAQURILISH»
ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ
жамоаси
барча юртдошларимизни
халқимизнинг бир неча
асрлик тарихга эга бўлган миллий байрами –
Наврўз айёми
билан самимий муборакбод этади.
Хуш кайфият, соғлиқ-саломатлик доимий
ҳамроҳингиз бўлсин!
Хонадонингизни тинчлик-фаровонлик
тарк этмасин, азизлар!


SANOAT QURILISH BANK
21
Март
Ўзсаноатқурилишбанк жамоаси
Ўзбекистон аҳлини Наврўзи олам билан қутлайди!
Баҳор нафаси, Наврўз шукуҳи йил давомида ҳамроҳингиз бўлсин!
Хизматлар лицензияланган.


«TASHGIPROGOR» АЖ
жамоаси
барча юртдошларимизни, диёримиз ободлиги,
гуллаб-яшнаши йўлида фидокорона меҳнат қилаётган
шарафли касб эгалари бўлмиш бунёдкорларни
Наврўзи олам
билан самимий муборакбод этади.
Юрт тараққиёти ва халқ фаровонлиги,
ободончилиги йўлидаги эзгу ва шарафли меҳнатларида
куч-қувват, оилаларига тинчлик ва аҳиллик,
дастурхонларига тўкинлик тилайди.
Жонажон Ватанимиз ҳамиша тинч,
ҳаётимиз бундан-да фаровон бўлаверсин!


«UZGIP» МЧЖ
ЖАМОАСИ
барча юртдошларимизни халқимизнинг
севимли байрамларидан бири –
НАВРЎЗИ ОЛАМ
билан самимий муборакбод этади.
Шарқнинг Янги йили, дея таърифланган
ушбу айём хонадонларимизга қут-барака,
фаровонлик олиб келсин!
ЮРТИМИЗ ТИНЧ,
ОСМОНИМИЗ МУСАФФО БЎЛСИН!

# «SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI» ДУК

## ва унинг филиаллари жамоалари

*жаннатмонанд диёримиз аҳлини,*
*ўзларининг фидокорона меҳнатлари*
*билан озод юртимизни*
*янада обод қилаётган бунёдкорларни*
*янгиланиш ва яшариш айёми –*

## *Наврўзи олам*

*билан самимий табриклайди.*
*Дунё аҳлини лол қолдираётган*
*обод юртимиз бундан-да чирой очиб,*
*унинг тинчлиги ва осудалигига*
*асло кўз тегмасин!*







## «Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси» ДУК Самарқанд филиали

жамоаси

*барча юртдошларимизни ўлкамизга кириб келаётган гўзаллик айёми – Наврўзи олам билан қизгин муборакбод этади.*



*Барча ватандошларимизни миллий қадриятларимизнинг ажралмас қисмига айланган айём –*

## *Наврўз байрами*

*билан муборакбод этади. Барча орзу-ниятларингиз рўёбга чиқиб, бахт, омад ва муваффақият сизларни ҳеч қачон тарк этмасин, азиз юртдошлар! Хонадонларимиздан меҳр-оқибат, файзу барака аримасин!*

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
ijtimoiy-iqtisodiy gazeta Строитель Узбекистана

## *Таваллуд айёмингиз билан!*

Март ойининг шу кунларида ўз таваллуд кунларини нишонлаётган «Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси» ДУК етакчи мутахассиси **Рахим Хашимович Худойбердиев**ни, шунингдек, Жиззах вилояти қурилиш бош бошқармаси Арнасой тумани архитектори **Охунжон Хотамович Янгибоев**ни, Самарқанд вилояти Қурилиш назорати ҳудудий инспекцияси бошлиғи **Шокир Мардиевич Илмуратов**ни, Сирдарё вилояти Қурилиш назорати инспекцияси бош мутахассиси **Авазбек Асадович Шарапов**ни, «Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси» ДУК Тошкент шаҳар филиали ҳайдовчиси **Эркин Гулямович Зияев**ни, «Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси» ДУК Қорақалпоғистон Республикаси филиали етакчи мутахассиси **Ахмед Жанабаевич Жанабаев**ни, «Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси» ДУК Самарқанд вилояти филиали бош мутахассиси **Илҳом Ҳамидович Ҳошимов**ни, «Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси» ДУК Сурхондарё вилояти филиали етакчи мутахассиси **Рифкат Мудосарович Хуббиев**ни чин дилдан табриклаймиз.

**Барчангизга оилавий бахт, хотиржамлик, хушкайфият, юртимиз ободлиги йўлидаги ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз!**



**Газетанинг навбатдаги сони 2020 йил 27 март куни чиқади.**

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
ijtimoiy-iqtisodiy gazeta Строитель Узбекистана

Газета «Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.

**Бош директор – Дилшод Жалолов**

**Таҳрир ҳайъати:**
Ботир Закиров (Таҳрир ҳайъати раиси), Козим Туляганов, Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Магрупов, Жамшид Исмаилов, Ғолибжон Маджидов, Қудратбек Хошимбеков.

**Таҳририят:**
Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**
Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**
Мусаҳҳиҳ **Райҳон Таниқулова**

**«Ўзбекистон бунёдкори» Нашриёт уйи МЧЖ муассислари:**
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, «Ўзсаноатқурилишматериаллари» уюшмаси, «ЎзГАШКЛИТИ» ДУК, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, «ЎзгеорангметЛИТИ» ДУК.

**Таҳририят манзили:**
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй.
**Телефонлар:** 71-244-21-71 (қабулхона), 71-244-05-15 (котибият), 71-244-15-13 (таҳририят), 71-244-22-10 (бухгалтерия), 71-244-40-68 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** uzbunyodkori@umail.uz

**Вилоят мухбирлари телефон рақамлари:**
**Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича:** 90-278-95-87.
**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти бўйича:** 97-459-74-85.
**Самарқанд вилояти бўйича:** 95-560-30-45.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси – 466. Буюртма – Г-353. 2221 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 6 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**Корхона манзили:**
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Д. Жалолов.
**Навбатчи** – Б. Гулямов.

ЎзА якуни – 04.30. Топширилди – 05.20.

1 2 3 4 5 6